



«COVID-19 KASALLIKNING ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТИ» MASOFADAN ЎҚИТИШ КУРСИ

УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

«COVID-19 GA ҚАРШИ МАҲАЛЛИЙ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ» ЎЗБЕКИСТОНДАГИ USAID ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги
Тиббий ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш Маркази

Рўйхатга олинди:
№ ММД-498
2021 йил «17» декабрь

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
2021 йил «15» декабрь

Билим соҳаси: Соғлиқни сақлаш

**«COVID-19 касалтигининг эпидемиологик назорати»
мавзусида малака ошириш курси ўқув дастури**

Тошкент 2021

Тузувчилар

Искандарова Г.Т

ТХКМРМ Эпидемиология кафедраси
мудири, профессор, т.ф.д

Рахманова Ж.А.

ТХКМРМ Эпидемиология кафедраси
доценти, т.ф.д.

Маматова Р.

Вирусология ИТИ, кичик илмий
ходим

Такризчилар:

Умиров С.Э.

ТХКМРМ ОИВ касалгининг
муаммолари курси доценти, т.ф.д.

Курбанов Б.Ж.

Санитария-эпидемиология
осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизмати бошлиги ўринбосари, т.ф.н.

Ўқув дастури Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш
марказининг Марказий ташкилий-услубий Кенгашида кўриб чиқилган

2021й. «23» 11, баённома № 3

Ўқув дастури Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш
марказининг Олимлар Кенгашида кўриб чиқилган

2021й. «24» 11, баённома № 9




Кенгаш раиси

X. A. Akilov

Х.А.Акилов

Ўқув дастури ССВ ҳузуридаги узлуксиз касбий таълим муассасалараро
мувофиқлаштирувчи Кенгашда кўриб чиқилган ва тасдиқланган



УДК: 616:98:578.2.09

МУАЛЛИФЛАР:

- Рахманова Ж. А.* т.ф.д., Тиббий ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш Марказининг Эпидемиология кафедраси доценти.
- Искандарова Г.Т.* т.ф.д., Тиббий ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш Марказининг Эпидемиология кафедраси мудир.
- Маматова Раънохон* Вирусология ИТИ катта илмий ходими

МАСЛАХАТЧИ:

- Рахманкулова С* доцент, ф.-т.ф.н., «COVID-19га қарши маҳаллий соғлиқни сақлаш тизими барқарорлигини таъминлаш» Ўзбекистондаги USAID лойиҳаси доирасида масофадан ўқитиш бўйича маслаҳатчи.

ЛОЙИХАНИНГ РАЎБАРИ:


- Муратова Н.* т.ф.н., «COVID-19га қарши маҳаллий соғлиқни сақлаш тизими барқарорлигини таъминлаш» Ўзбекистондаги USAID лойиҳасининг директори

АТ-қўллаб-қувватлаш: <http://vronica.uz/>

ТАҚРИЗЧИЛАР:


- Умиров С.Э.* т.ф.д., ЎзР ССВ қошидаги Тиббий ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш Марказининг ОИТВ-юқумли касаллиги кафедрасининг доценти.
- Курбанов Б.Дж.* т.ф.н., Республика Санитария-эпидемиология осойишталиги ва аҳоли саломатлиги Марказининг бошлиғи ўринбосари

Услубий тавсияларнинг қўлёзмаси ЎзР ССВнинг ТХКМРМ сайтида жойлаштирилган: <https://tipme.uz/uz>




МУНДАРИЖА

Шартли қисқартмалар рўйхати	5
Аннотация	6
Курс ҳақида маълумот	7
Курснинг мақсади ва кутилган натижалари	7
Ўқитишнинг кутилган натижалари	8
Ўқитишнинг тартиби	8
Курснинг таърифи	9
1-модул. АСОСИЙ ТАЪРИФЛАР	12
Биз кимни COVID-19 билан касалланган бемор деб ҳисоблаймиз?	12
«Клиник мезонлар/маълумотлар» ифодаси нимани билдиради?	13
«Эпидемиологик мезонлар/маълумотлар» ифодаси нимани билдиради?	14
COVID-19 эпидемияси эпидемиологик ривожланишининг сценарийлари	16
Тест саволлари	18
2-модул. COVID-19да беморни қайд этиш	19
Бемор ҳақида маълумот олганда эпидемиолог фаолиятининг босқичлари	19
Янги COVID-19 ҳолати аниқланган жойда қандай чора-тадбирларни ўтказиш керак?	20
060-У журналида шошилиш хабарномани қайд этишдан кейин эпидемиолог нима қилиши керак?	20
Эпидемиологик текшириш	21
COVID-19нинг лаборатория диагностикаси	22
COVID-19 бўйича лаборатория тестларини ўтказиш босқичлари	23
Тест саволлари	26
3-модул. COVID-19 беморининг мулоқотда бўлган шахсларини аниқлаш ва махсус шаклларда/жадвалларда қайд этиш	28
COVID-19 беморининг мулоқотда бўлган шахсларини аниқлаш	28
Қайси мақсадда COVID-19 беморининг мулоқотда бўлган шахсларини аниқлаш лозим?	28
COVID-19 беморининг мулоқотда бўлган шахсларига кимларни киритади?	28
Мулоқотда бўлган шахсларга қандай маълумот берилиши лозим?	29
Мулоқотда бўлган шахсларни кундалик кузатишни ва мониторингни ким ва қандай қилиб амалга оширади?	30
Клиник аломатларига кўра участка шифокорининг ҳаракатлари алгоритми	31
Эпидемиологик текшириш	31
COVID-19 дан ўлим даражаси бўйича эпидемиологик назорат	33
Тест саволлари	34
4-модул. Коронавирус инфекциясини эпидемиологик текшириш харитаси	36
4-1. COVID-19 ҳолатида стандарт шаклларни тўлдириш	36
4-2. Эпидкارتани тўлдириш	41




COVID-19 ҳолатларининг эпидемиологик текшируви картаси.....	39
Топшириқ.....	49
Тест саволлари.....	49
5-модул. COVID-19 ҳолатида маълумотларни таҳлил қилиш.....	51
Маълумотларни статистик таҳлил қилиш асослари.....	51
Топшириқ.....	58
Тест саволлари.....	58
6-модул. COVID-19 ҳолатида маълумотларни талқин қилиш. COVID-19 ҳолатида профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш.....	60
Эпидемиологик вазиятни таҳлил қилиш учун маълумотлар йиғиш.....	60
Ҳар бир туманда эпидемиологик вазиятни таҳлил қилиш учун қайси маълумотлар тўпланади?.....	60
Нима учун COVID-19 касаллиги ҳолатлари бўйича кундалик маълумотни йиғиш керак?.....	60
COVID-19 касаллиги ҳолатлари бўйича қайси ҳафталик жамланган маълумотни йиғиш керак?.....	61
Нима учун COVID-19 беморларини ҳар ҳафтада қайд этиш керак?.....	61
Ёш гуруҳлари ва хавф гуруҳлари.....	62
Касаллик манбаи бўлиши мумкин бўлган беморни аниқлашни ташкил этишда қандай чора-тадбирлар ўтказилади?.....	63
Нима учун ҳисобот шаклларида касалланишнинг интенсив кўрсаткичини ҳисоблаш мумкин?.....	64
Тест саволлари.....	65
7-Модул. COVID-19 ҳолатида ҳаракат сценарийларини моделлаштириш (эпидемик жараён ривожланиши ва жавоб чораларини кўриш сценарийлари).....	66
1-Сценарий.....	66
2-Сценарий.....	67
3-Сценарий.....	68
4-Сценарий.....	69
5-Сценарий.....	70
6-Сценарий.....	71
7-Сценарий.....	72
Тест саволлари.....	73
8-модул. COVID-19 ҳолатида юқумли касаллик назорати.....	75
Эпидемияга қарши чора-тадбирлар.....	75
Шахсий ҳимоя воситалари (ШХВ).....	76
Даволаш-профилактика муассасаси – зоналаштириш.....	80
Қўл гигиенасига қўйиладиган талаблар.....	84
Тест саволлари.....	88
Тест жавоблари.....	90
Фойдаланилган адабиёт рўйхати.....	91




ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

АКТ	Ахборот-коммуникация технологиялари
ДПМ	Даволаш-профилактика муассасаси
ИФТ	Иммуноферментли таҳлил
МРТ	Магнитли-резонансли томография
ПЗР	Полимеразали занжирли реакция
РНК	Рибонуклеин кислотаси
СКП	Санитария-карантин пункти
ССВ	Соғлиқни Сақлаш вазирлиги
СЭС	Санитария-эпидемиология станцияси
СЭХ	Санитария-эпидемиология хизмати
ШХВ	Шахсий ҳимоя воситалари
IgA	A-синфидаги иммуноглобулинлар
IgM	M-синфидаги иммуноглобулинлар
IgG	G-синфидаги иммуноглобулинлар
COVID-19	Коронавирус юқумли касаллиги
USAID	АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги




АННОТАЦИЯ

Март йилнинг охирига келиб, Европа COVID-19 касаллиги тарқалишининг марказига айланди, бу эса Ўзбекистонда ва бошқа давлатларда умуммиллий даражада хизматлар кўрсатилиши тўхтатилишига олиб келди. 15 мартдан мактаблар, коллежлар ва университетлар ёпилди, 16 март куни фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Ўзбекистонда биринчи COVID-19 ҳолати расмий равишда 15 март куни қайд этилди. Уйда қолиш чоралари апрель ойининг охиригача узайтирилди. Бу чоралар тиббий хизматлар, шу жумладан иммунлаштириш амалга оширилишига таъсир қилди. Пандемиянинг биринчи кунларида тиббий хизматларни кўрсатувчилар пандемияга қарши курашга йўналтирилганлар. Баъзи жойларда 2020 йил апрель ойидан бошлаб тиббий муассасалар ва хизматлар тўхтатилди. Грипп мавсуми бошланганда Ўзбекистон хавфли гуруҳлар, шу жумладан ўқитувчилар учун 1 миллиондан ортиқ гриппга қарши вакциналар дозасини харид қилди. Бугунги кунда бутун давлат бўйлаб гриппга қарши вакцинанинг 250 000 дозаси тарқатилган. Бугунги кунга келиб, тиббий хизматнинг ҳаракатларига қарамай, коронавирус билан касалланиш ўсиб бормоқда, бу эса ҳам тиббий, ҳам ижтимоий-иқтисодий жиддий муаммога айланди. Ушбу ўқув-услубий қўлланма касалликнинг эпидемиологик назоратни тўғри ташкил этишнинг асоси ҳисобланади, у Ўзбекистон Республикасида профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишга тизимли ёндашув имкониятини яратади.



COVID-19 БЎЙИЧА ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТ



Курс ҳақида маълумот


КУРСНИНГ МАҚСАДИ

Ўқитиш муддати: 2 ҳафта

Курснинг мақсади ва кутилган натижалари: COVID-19 назорати учун зарур бўлган кўникмаларни ривожлантиришга кўмаклашиш.

USAID томонидан молиялаштирилладиган «COVID-19га қарши маҳаллий соғлиқни сақлаш тизими барқарорлигини таъминлаш» Ўзбекистондаги лойиҳаси доирасида, фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири - Стратегик тайёрлик ва жавоб бериш режасини ишлаб чиқиш учун маҳаллий эпидемиологларга техникавий кўмаклашиш, шу жумладан кластерларни тадқиқ этиш, пандемияга қарши курашиш учун имкониятларни таҳлил қилиш ва баҳолаш; шу билан миллий эпидемиологик назорат ва тез жавоб бериш тизимининг асосий компонентини мустаҳкамлашга кўмаклашиш. Соғлиқни сақлаш Вазирлиги раҳбарлигидаги ушбу қўшма лойиҳа устида ишлашга ЖССТ, БМТТД, АҚШнинг CDC нинг экспертлик кўламига эга бўлган ҳолда, баъзи халқаро ташкилотлар ҳам жалб қилинган эди.

Юқорида кўрсатилган мақсадларни амалга ошириш ҳамда COVID-19 ва бошқа ўткир респиратор юқумли касалликлар эпидемиялари тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича чораларни кучайтириш, ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси билан белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш учун, «Соғлиқни сақлаш тизимини COVID-19га қарши курашишда мустаҳкамлаш» лойиҳасининг доирасида шифокорларни иш жойларида, COVID-19 ва бошқа ўткир респиратор юқумли касалликлар эпидемиологияси ва эпидемиологик назорати масалалари бўйича ўқитиш учун замонавий инновацион ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган ўқув-ахборот платформасининг моделини ва масофадан ўқитиш пилот курсларини яратиш кўзда тутилган.



ЎҚИТИШНИНГ КУТИЛГАН НАТИЖАЛАРИ

Ўқитиш иштирокчилари қуйидаги жиҳатларда малака ва ваколатларга эга бўлади:


- ◆ COVID-19нинг клиник ва эпидемиологик мезонларини аниқлай олади.
- ◆ Мулоқотда бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда COVID-19 тарқалишининг олдини олиш учун мулоқотда бўлган шахсларга нисбатан чора-тадбирларни белгилашни амалга ошира олади.
- ◆ COVID-19 билан боғлиқ бўлган ўлим ҳолатини аниқлай олади.
- ◆ COVID-19дан ўлим даражаси бўйича эпидемиологик назоратни амалга ошира олади.
- ◆ Бемор аниқланганидан кейин эпидемиолог учун зарур бўлган маълумотларни, эпидемиологик текширишни ўтказиш учун йиғишни амалга ошира олади.
- ◆ COVID-19 бўйича эпидемиологик вазиятни таҳлил қилиш учун, касалланиш ҳақида маълумотни мобил иловага киритиш.
- ◆ COVID-19 билан касалланиш ҳақида маълумотни тез таҳлил қилиш учун махсус шаклларни тўлдириш.
- ◆ COVID-19 билан касалланиш ҳақида маълумотларни беморларнинг ёшига, жинсига, яшаш жойига кўра ва бошқа жиҳатларга кўра таҳлилни ўтказиш.
- ◆ Олинган маълумотлар асосида профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни режалаштириш.
- ◆ Эпидемиянинг ривожланиши сценарийсини таърифлай олади.
- ◆ Қайта тайёрлаш ва касбий билимлар ва малакаларни мустақил такомиллаштириш учун АКТ ва Интернетдан, шу жумладан мобил ўқитишдан фойдаланиш.
- ◆ Ўқитиш натижаларини баҳолашнинг турли шаклларида иштирок этиш: ўз-ўзини таҳлил қилиш, кузатиш, тест.

ЎҚИТИШНИНГ ТАРТИБИ

Масофадан ўқитиш эпидемиолог шифокорлар иштирок этган виртуал аудиторияда ўқитиш ўтказилишини кўзда тутди.

Ўқитишнинг давомийлиги – 2 ҳафта, уларнинг давомида ҳар куни таълим олувчи учун қулай вақтда модулларни ўрганиш ва топшириқларни бажариш учун, ҳамда гуруҳда тажриба алмашиш учун кунига 3-4 соат ажратиш етарли бўлади.

Ўқитиш жараёни Интернет орқали онлайн илова ёрдамида назарий материаллар, услубий адабиёт ва мутахассисларнинг тажрибаси ва амалиётини ўрганишни



кўзда тутати. Назарий материал видео дарслардан ёки тақдимотдан иборат бўлади. Видео роликларни кўриб чиқиш, зарур бўлганда олдинга ва орқага ўтказиб юбориш мумкин.

Ўқитишнинг иштирокчилари чат ботига кириши мумкин бўлади, бу ерда улар ҳам ўқитувчи билан, ҳам ўқитишнинг бошқа иштирокчилари билан савол-жавоб қилиши ёки тажрибани алмашиши мумкин.

Курс материаллари ва мобил илова шунингдек Зиёнет тармоғида DLMED папкасида жойлаштирилган – www.ziyonet.uz


COVID-19 EPIDNADZOR гуруҳида савол бериш ёки муҳокама қилиш мумкин.

Курс иштирокчилари: эпидемиологлар, эпидемиологларнинг ёрдамчилари

КУРСНИНГ ТАЪРИФИ

Курс қуйидаги модулларни ўрганишдан иборат:

Модул	Номи	Таърифи
Кириш	Мобил илова ҳақидаги маълумот ва ундан фойдаланиш, булутда ишлаш ва Телеграмдаги чатда ишлаш бўйича йўриқнома	Видеода модулларнинг тузилиши, ўқитишнинг қандай ўтказилиши, чат ҳақида маълумот, қўшимча маълумот берилган
1-модул	Асосий таърифлар	Ахборотли тақдимот
2-модул	COVID-19 да беморни қайд этиш	COVID-19 бўйича мусбат натижа бўлганда беморни қайд этиш
3-модул	COVID-19 беморининг мулоқотда бўлган шахсларини аниқлаш ва махсус шаклларда / жадвалларда қайд этиш	COVID-19нинг кейинги тарқалишининг олдини олиш мақсадида беморнинг мулоқотда бўлган шахсларини аниқлаш ва қайд этиш, ҳамда мулоқотда бўлган шахслар ичида беморларни илк аниқлаш.
4-модул	COVID-19 ҳолатида стандарт шаклларни тўлдириш	COVID-19нинг кейинги тарқалишининг олдини олиш мақсадида, ҳамда COVID-19 эпидемиологик назоратини амалга ошириш учун беморнинг мулоқотда бўлган шахслари бўйича стандарт шаклларни/ жадвалларни тўлдириш




Модул	Номи	Таърифи
5-модул	COVID-19 ҳолатида маълумотларни таҳлил қилиш	COVID-19 тарқалиши хавфи бўлган гуруҳларни аниқлаш учун, ҳамда COVID-19 эпидемиологик назоратини амалга ошириш учун COVID-19 ҳолатида маълумотларни беморнинг ёшига, жинсига, яшаш жойига кўра ва бошқа жиҳатларга кўра статистик таҳлил қилиш
6-модул	COVID-19 ҳолатида маълумотларни талқин қилиш. COVID-19 ҳолатида профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш	Олинган маълумотни ҳисобга олиб, маълумотнинг ҳисобини юритиш, қайд этиш ва эпидемиологик таҳлил қилиш орқали ушбу ҳудудда эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказишнинг заиф жиҳатларини аниқлаш. Ушбу ҳудудда турли хавфли гуруҳлар ичида эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказишнинг заиф жиҳатларини аниқлаш, COVID-19 ҳолатида профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш
7-модул	COVID-19 ҳолатида ҳаракат сценарийларини моделлаштириш (4та эпидемик жараён ривожланиши ва жавоб чораларини кўриш сценарийлари)	COVID-19 ҳолатида ҳаракат қилиш сценарийларини (эпидемик жараён ривожланиши ва жавоб чораларини кўришнинг 4 сценарийси) моделлаштириш учун, маълумотларни таҳлил қилиш
8-модул	COVID-19 ҳолатида юқумли касаллик назорати	Тиббий ходимлар ичида ДПМ га кириш пайтидан бошлаб юқумли назоратни амалга ошириш сценарийси, ШХВ ни кийиш ва ечиш тартиби, хавф гуруҳларига боғлиқ ҳолда бўлимларга кириш, қизил зонадан сариқ зонага чиқиш тартиби, ШХВ ни ечиш тартиби. Шахсий гигиена ва ходимларни ШИЮК лардан ҳимоя қилиш

Ҳар бир модулда назорат топшириғи бор, фақат у муваффақиятли бажарилганда, кейинги модулни ўрганиш мумкин бўлади.

8та назорат тести бажарилади. Ўқитиш натижалари бўйича сертификат берилади.

Машғулотлар жадвали


Кун	Модул	Назорат топшириғи	Топшириқнинг шакли
1	Курс билан танишиш	Анкета сўровини ўтказиш	Анкета
2	1-модуль	1-Топшириқ	Тест
3	2-модуль	2-Топшириқ	Тест



Кун	Модул	Назорат топшириғи	Топшириқнинг шакли
4	3-модуль	3-Топшириқ	Тест
5-6	4-модуль	4-Топшириқ	Мустақил иш
7-8	5-модуль	5-Топшириқ	Мустақил иш
9-10	6-модуль	6-Топшириқ	Тест
11	7-модуль	7-Топшириқ	Тест
12	8-модуль	8-Топшириқ	Вазиятли масалалар

Билимларни баҳолаш мезонлари:

1. Муҳокамада иштирок этиш – 30%. Фаоллик даражаси иштирок этишнинг миқдори ва сифати билан белгиланади.
2. Назорат топшириқлари натижаларини баҳолаш – 50% .
3. Якуний тест ўтказиш натижаларини баҳолаш – 20%. Тўғри жавобларнинг сони.



1-модул.

АСОСИЙ ТАЪРИФЛАР

БИЗ КИМНИ COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОР ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ?

Унга нисбатан COVID-19 қўзғатувчиси юққанлигининг лаборатория тасдиғи олинган шахс, клиник-эпидемиологик маълумотлари мавжуд бўлиши шарти билан.



«Тахминий COVID-19 ҳолати» ифодаси нимани билдиради?


COVID-19 беморининг клиник мезонларига мос бўлган шахс.

- A.** COVID-19 мавжудлигини билдирувчи кўкрак қафасининг визуал диагностикаси натижалари мавжуд бўлган бемор:
- кўкрак қафасининг рентгенографияси: ўпканинг перифериясида ва пастки улушларида жойлашган қорайиш соҳалари, кўпинча думалоқ шаклда бўлади
 - кўкрак қафасининг КТ тадқиқоти: ўпканинг перифериясида ва пастки улушларида жойлашган жилосиз шиша туридаги кўп сонли икки томонлама қорайиш соҳалари, кўпинча думалоқ шаклда бўлади.
 - Ўпка УТТ текшируви: қалинлашган плеврал чизиқлар, В-чизиқлар (мультифокусли, алоҳида ёки бирлашиб кетган), ҳаво бронхограммаси аломати бўлганда ёки бўлмаганда, ўпка тўқимасининг жипслашуви.
- B.** Бошқа бирор-бир аниқланган сабаби бўлмаганда, аносмия (ҳид билишнинг йўқолиши) ёки агевзия (таъм йўқолиши) аломатлари бўлган бемор.

«Эҳтимолий COVID-19 ҳолати» ифодаси нимани билдиради?

COVID-19 беморининг клиник ва эпидемиологик мезонларига мос бўлган шахс.

- A.** Юқорида кўрсатилган клиник мезонларга мос бўлган, ҳамда эҳтимолий ёки тасдиқланган юқумли касаллиги бўлган шахс билан контактда бўлган,



ёки уларнинг ичида ҳеч бўлмаса битта тасдиқланган ҳолат аниқланган кўп сонли юқумли касаллик ҳолатлари билан эпидемиологик жиҳатдан боғлиқ бўлган бемор.

- В.** Бошқа бирор-бир аниқланган касаллик сабаби бўлмаган, ҳамда эҳтимолий ёки тасдиқланган юқумли касаллиги бўлган шахс билан контактда бўлган, ёки уларнинг ичида ҳеч бўлмаса битта тасдиқланган ҳолат аниқланган кўп сонли юқумли касаллик ҳолатлари билан эпидемиологик жиҳатдан боғлиқ бўлган, респиратор дистресс-синдроми ва кейинги ўлим якуни бўлган катта ёшдаги бемор.

«Тасдиқланган COVID-19 ҳолати» ифодаси нимани билдиради?

Унга нисбатан COVID-19 қўзғатувчиси юққанлиги ҳолатининг лаборатория тасдиқлови олинган шахс, клиник аломатларидан ва мезонларидан қатъи назар.


- А.** Оғир ўткир респиратор касаллиги бўлган бемор (ОЎРЮК: ўткир респиратор юқумли касаллиги, анамнезида безгак ёки ≥ 38 С дан юқори тана ҳарорати, йўтал бўлганда, касаллик охириги 10 кун ичида бошланганда; шифохонага ётқизишга муҳтож бўлган ҳолда)
- В.** SARS-CoV-2 вируси антигенларини аниқлаш бўйича экспресс-тестнинг натижаси мусбат бўлса, унинг аломатлари ва эпидемиологик мезонлари бўлмаганда ҳам..

«КЛИНИК МЕЗОНЛАР / МАЪЛУМОТЛАР» ИФОДАСИ НИМАНИ БИЛДИРАДИ?

Клиник мезонлари:


- ◆ Тана ҳароратининг кескин кўтарилиши ва йўтал;
- ◆ Қуйидаги аломатлар ёки белгиларнинг исталган учтаси ёки ундан кўпроғи ўткир бошланиши: безгак, йўтал, умумий ҳолсизлик (ланжлик), бош оғриғи, миалгия, томоқ оғриши, ринит, диспноэ (ҳансираш), иштаҳа пасайиши (кўнгил айниши, қусиш)), диарея (ич кетиши), психик ҳолатининг ўзгариши..






COVID-19		
Асосий белгилари	Кам учрайдиган белгилари	Касалликнинг оғир кечиши
<ul style="list-style-type: none">◆ Тана ҳарорати ортиши◆ Йўтал◆ Ҳолсизлик	<ul style="list-style-type: none">◆ Бош оғриғи◆ Бурун қуруқлиғи◆ Томоқда оғриқ◆ Балғам◆ Ҳансираш◆ Бўғимларда ёки мушқларда оғриқ◆ Совқотиш◆ Кўнгил айнаши ва/ёки қусиш◆ Диарея (ич кетиши)	<ul style="list-style-type: none">◆ Тана ҳароратининг кучли кўтарилиши◆ Қонли йўталиш◆ Оқ қон таначалари камайиши◆ Буйрак етишмовчилиғи

«ЭПИДЕМИОЛОГИК МЕЗОНЛАР/МАЪЛУМОТЛАР» ИФОДАСИ НИМАНИ БИЛДИРАДИ?



Мулоқотда бўлган шахснинг таърифи

Мулоқотда бўлган шахс - аҳтимолий ёки тасдиқланган ташхиси бўлган беморда касаллик аломатлари пайдо бўлишидан 2 сутка аввал ва 14 сутка кейинги давр давомида у билан қуйида кўрсатилган мулоқот турларидан бири бўлган мулоқотда бўлган шахс:



1. Эҳтимолий ёки тасдиқланган ташхиси бўлган бемор билан бевосита жисмоний контакт;
2. Эҳтимолий ёки тасдиқланган ташхиси бўлган бемор билан 1 метргача масофада камида 15 минут мобайнида шахсий контакт;
3. Эҳтимолий ёки тасдиқланган COVID-19 юқумли касаллиги бўлган беморни тегишли шахсий ҳимоя воситаларисиз бевосита парвариш қилиш;
4. Маҳаллий хавфни баҳолаш натижаларига кўра аниқланган бошқа вазиятлар.

COVID-19 билан боғлиқ бўлган ўлим якунининг таърифи

Эпидназорат мақсадлари учун **COVID-19 билан боғлиқ бўлган** ўлим якуни, эҳтимолий ёки тасдиқланган COVID-19 юқумли касаллиги бўлган, унга клиник ўхшаш бўлган касалликнинг натижасида юз берган беморнинг ўлими каби таърифланади, агар бунда COVID-19 билан боғлиқ бўлмаган аниқ муқобил ўлим сабаби (масалан, жароҳат) бўлмаса. Касаллик ва ўлим орасида тўлиқ тузалиш даври бўлмаслиги лозим.

«Ҳолатлар кластери» таърифни беринг

ҲОЛАТЛАР КЛАСТЕРИ БИР-БИРИ БИЛАН (ЖОЙИГА КўРА, ВАҚТИГА КўРА) ЭПИДЕМИОЛОГИК БОғЛИҚ БўЛГАН КАСАЛЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ

SEIR-модель пандемии COVID-19 для Узбекистана





Tabla 1
Tasa de Notificación de ETI en Centros Centinela (APS) según región. Chile 2020 (SE 18-20).

Región	Semana 18	Semana 19	Semana 20
Arica-Paranicota	0 0,0	2 4,3	2 4,3
Tarapacá*	11 9,9	0 0,0	7 6,3
Antofagasta	5 4,0	3 2,4	2 1,6
Atacama	0 0,0	0 0,0	0 0,0
Coquimbo	0 0,0	2 2,6	2 2,6
Valparaiso*	1 0,5	1 0,5	0 0,0
Metropolitana	39 35,3	117 45,8	93 36,4
O'Higgins	0 0,0	0 0,0	0 0,0
Mauve	9 6,0	9 6,0	9 6,0
Ñuble	0 0,0	0 0,0	0 0,0
Biobío	12 11,4	27 25,6	29 27,5
Araucanía	0 0,0	0 0,0	0 0,0
Los Ríos	0 0,0	0 0,0	0 0,0
Los Lagos	1 1,0	0 0,0	1 1,0
Aisén	0 0,0	0 0,0	0 0,0
Magallanes*	0 0,0	0 0,0	0 0,0
País	78 5,2	161 10,8	145 9,7


Fuente: Vigilancia Centinela de ETI. Dpto. Epidemiología, DPLAS/MINSAL.
Tasa por cien mil habitantes en base a población inscrita
* Datos preliminares

Definición de ETI: según normativa vigente (CIR. 85/20 14 de mayo de 2010): paciente con fiebre (> a 38,5°C) y tos, asociado a algunos de los siguientes síntomas: mialgias, odinofagia o cefalea. La notificación es realizada en 43 centros centinela de APS.

Vigilancia Centinela Enfermedad Tipo Influenza
Casos estudiados por Inmunofluorescencia, Chile, 2020 (SE 20)



Notificación de Enfermedad Tipo Influenza en Atención Primaria. Umbral de Alerta (&) Chile, SE 1-20 de 2020 (comparado con 2015-2019)



Fuente: Vigilancia Centinela de ETI. Dpto. Epidemiología, DPLAS/MINSAL.
■ En base a método de Curva Epidémica y Umbrales de Alerta, OPS/OMS



COVID-19 ЭПИДЕМИЯСИ ЭПИДЕМИОЛОГИК РИВОЖЛАНИШНИНГ СЦЕНАРИЙЛАРИ

COVID-19 мансуб бўлган, пандемик салоҳияти бўлган янги патогенлар учун эпидемиологик ривожланишнинг тўртта сценарийси (БССТ) бор.

ПАНДЕМИК САЛОҲИАТИ БЎЛГАН ЯНГИ ПАТОГЕНЛАР - COVID-19 УЧУН ЭПИДЕМИОЛОГИК РИВОЖЛАНИШНИНГ 4 ТА СЦЕНАРИЙСИ (БЖСТ)

1-БОСҚИЧ

касалликнинг қайд этилган ҳолатлари йўқлиги (булар нолли ўтишни ҳам, аниқланган ва қайлд этилган ҳолатларнинг йўқлигини ҳам ўз ичига олади)

2-БОСҚИЧ

якка-якка олатлар

3-БОСҚИЧ

ҳолатлар кластерлари (бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта касаллик ҳолатлари)

4-БОСҚИЧ

юқумли касалликнинг оммавий тарқалиши (MP) тўртта даражага бўлинади: касалик ўтишининг паст даражасидан (MP1) юқумли касаллик ўтишининг жуда юқори даражасигача (MP4)

1-босқич таърифини беринг - COVID-19 ўтишининг босқичлари ва таснифининг қайд этилган ҳолатлари йўқлиги (булар нолли ўтишни ҳам, аниқланган ва қайлд этилган ҳолатларнинг йўқлигини ҳам ўз ичига олади).


Ишончли* эпидназорат тизими мавжуд бўлганда, камида 28 кун давомида (максимал инкубация давридан икки барабар кўп) янги ҳолатлар йўқ. Бу аҳоли учун амалда нолли юқиш хавфини кўзда тутаяди.

2-босқич таърифини беринг – COVID-19 ўтишининг босқичлари ва таснифининг олиб кирилган ёки якка ҳолатлари.

Охириги 14 кун ичида аниқланган барча ҳолатлар олиб кирилган, якка ҳолат (масалан, лаборатория ичидаги ёки зооноз) бўлган, ёки уларнинг барчаси олиб кирилган ва якка ҳолатлар билан боғлиқ бўлган, ва маҳаллий даражада юқумли касалликнинг кейинги ўтиши ҳақида аниқ сигнал йўқ. Бу аҳоли учун минимал юқиш хавфини кўзда тутаяди.

3-босқич таърифини беринг – COVID-19 ўтишининг босқичлари ва таснифининг ҳолатлари кластерлари.

Охириги 14 кун ичида аниқланган ҳолатлар, асосан аниқ белгиланган кластерлар билан чегараланган, улар олиб кирилган ҳолатлар билан бевосита боғлиқ бўлмаган, лекин уларнинг барчаси вақтига кўра, географик жойлашувига кўра ва умумий



таъсирига кўра боғлиқ бўлади. Бу ҳудудда аниқланмаган ҳолатларнинг маълум сони борлиги кўзда тутилади. Кенгроқ жамоанинг бошқа аъзолари (умуман аҳоли) учун, бу кластерлар билан мулоқот бўлмаганда, юқишнинг хавфи паст бўлади.

4-босқич таърифи – Оммавий тарқалиши - 1-даражаси (MP1)

Охирги 14 кун ичида аниқланган, маҳаллий пайдо бўлган, кенг майдонда тарқалган ҳолатларнинг паст тарқалганлиги, бунда кўпчилик ҳолатлар муайян кластерлар билан боғлиқ бўлмайди; Касалликнинг ўтиши маълум аҳоли гуруҳларида тарқалган бўлиши мумкин. Бутун аҳоли учун юқишнинг хавфи паст бўлади.

4-босқич таърифи – Оммавий тарқалиши - 2-даражаси (MP2)

Охирги 14 кун ичида аниқланган, маҳаллий пайдо бўлган, кенг майдонда тарқалган ҳолатларнинг ўртача тарқалганлиги; касалликнинг ўтиши маълум аҳоли гуруҳларида камроқ даражада тарқалган бўлиши мумкин. Бутун аҳоли учун юқишнинг ўртача хавфи бўлади.

4-босқич таърифи – Оммавий тарқалиши - 3-даражаси (MP3)

Охирги 14 кун ичида аниқланган, маҳаллий пайдо бўлган, кенг майдонда тарқалган ҳолатларнинг юқори тарқалганлиги; касалликнинг ўтиши ҳамма ерда тарқалган ва маълум аҳоли гуруҳлари билан чекланмайди. Бутун аҳоли учун юқишнинг юқори хавфи бўлади.

4-босқич таърифи – Оммавий тарқалиши - 4-даражаси (MP4)

Охирги 14 кун ичида аниқланган, маҳаллий пайдо бўлган, кенг майдонда тарқалган ҳолатларнинг жуда юқори тарқалганлиги. Бутун аҳоли учун юқишнинг жуда юқори хавфи бўлади.



ТЕСТ САВОЛЛАРИ:


- 1. Сиз поликлиникага мурожаат қилган, тана ҳароратининг кўтарилиши, йўтал, ҳолсизлик, ҳансирашдан шикоят қилган, бир неча кун аввал Туркиядан сафардан келган, COVID-19 бўйича ПЗР-тести натижаси мусбат бўлган беморни қайси тоифага киритасиз?**

 1. COVID-19 билан оғриган бемор;
 2. COVID-19 нинг тахминий ҳолати;
 3. COVID-19 нинг эҳтимолий ҳолати;
 4. COVID-19 нинг тасдиқланган ҳолати.
- 2. Сизга стационардан тиббий ёрдам олиш учун мурожаат қилган шахс ҳақида хабар келди, объектив кўрикдан ўтиш пайтида унда оммавий тадбирга борганидан кейин 12 кун ўтганда ЎРЮК нинг клиник аломатлари аниқланган. Сиз ушбу беморни қайси тоифага киритасиз?**

 1. «COVID-19 нинг тахминий ҳолати»
 2. COVID-19 билан оғриган бемор;
 3. «COVID-19 нинг эҳтимолий ҳолати»;
 4. COVID-19 нинг тасдиқланган ҳолати.
- 3. Туман поликлиникасининг алоҳида участкасида юқиш ҳолатларини текшириш давомида сиз «Эски Жува» маҳалласида яшайдиган, оилалардан бирида тўй тадбирларига биргаликда тайёргарлик қилган 26-та оила аъзолари ичида COVID-19 билан касалланиш ҳолатларини аниқладингиз. Сиз бу ўчоқни қандай таснифлайсиз?**

 1. Бу ҳолатлар кластери
 2. Бу паст тарқалиши бўлган касалликнинг оммавий тарқалиши
 3. Бу касалликнинг гуруҳли авж олиши;
 4. Бу ўртача тарқалиши бўлган касалликнинг оммавий тарқалиши.
- 4. Сизга поликлиникадан, COVID-19 дан вакцина билан эмлаш юзасидан мурожаат қилган бемор ҳақида хабар келди, чунки унинг ишхонасида ҳамкасабаси 3 кун аввал COVID-19 марказига ётқизилган, ва ушбу бемор ўзида касаллик ривожланишининг олдини олишни истаган эди. Сиз ушбу беморни қайси тоифага киритасиз:**

 1. Мулоқотда бўлган шахс;
 2. COVID-19 билан оғриган бемор;
 3. COVID-19 нинг тахминий ҳолати;
 4. COVID-19 нинг эҳтимолий ҳолати



2-модул.

COVID-19 ДА БЕМОРНИ ҚАЙД ЭТИШ

БЕМОР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ОЛГАНДА ЭПИДЕМИОЛОГ ФАОЛИЯТИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Эпидемиолог қандай қилиб янги COVID-19 ҳолати ҳақида маълумотни олади?

ЯНГИ COVID-19 ҲОЛАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ЖОЙЛАРИ



ДПМ


Поликлиникалар
COVID-19 беморларини даволаш
учун мўлжалланган стационарлар
бошқа ДПМ



СНП

Аэропортлар
Темир йўл вокзаллари
Автовокзаллар

Ҳар қандай муассаса COVID-19 аломатлари бўлган бемор аниқланганидан кейин 24 соат ичида, СЭСнинг ҳудудий бўлимларига Ф-058 шошилиш ҳабарини юбориши керак




ДПМ дан COVID-19 нинг гумонли, эҳтимолий ёки тасдиқланган ҳолати мавжудлиги ҳақида шошилиш хабар олинганидан кейин эпидемиологик бўлимнинг ходимлари қандай ҳаракат қилиши керак:



Статист ёки эпидемиолог ёрдамчиси, шошилиш хабарни олганда, Ф-060/У шаклидаги юқумли касалликни қайд этиш журналини тўлдириши лозим.


ЯНГИ COVID-19 ҲОЛАТИ АНИҚЛАНГАН ЖОЙДА ҚАНДАЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШ КЕРАК?

- ◆ COVID-19 аломатлари бўлган бемор аниқланган жойларда клиник материални йиғиш амалларига ва тегишли лабораторияга совуқ ҳолда ташиш занжири шартларига риоя қилган ҳолда, ПЗР ташҳиси учун клиник материални йиғиш ташкил этилиши керак. Аҳоли ўртасида ташҳис қилиш имкониятларини кенгайтириш учун экспресс-тестларни жорий қилиш.



060-У журналида шошилиш хабарномани қайд этишдан кейин эпидемиолог нима қилиши керак?





ЭПИДЕМИОЛОГИК ТЕКШИРИШ



Якка COVID-19 ҳолатларининг эпидемиологик текширувини ким ўтказади?


Якка COVID-19 ҳолатларининг эпидемиологик текшируви тасдиқланган стандарт операцион тартибларга мувофиқ амалга оширилади. 1-3 эпидемик босқичлар даврида ўчоқда эпидемиологик текширув ва дезинфекция эпидемиолог шифокорлар ва шифокорларнинг ёрдамчилари томонидан амалга оширилади.

4-босқич «Оммавий тарқалиш» даврида якка COVID-19 ҳолатларининг эпидемиологик текширувини ким ўтказади?

4-босқич «Оммавий тарқалиш» даврида ўчоқда текширув (эпидемиологик текширувнинг стандарт анкетасини тўлдириш) мобил гуруҳ томонидан амалга оширилади. Маълумот (эпидемиологик текширувнинг стандарт анкетаси) Телеграм орқали эпидемиолог шифокорга эпидемиологик маълумотни телефон орқали чуқурлаштирилган йиғиш учун топширилади.

Стационарда бемор аниқланганда, якка COVID-19 ҳолатларининг эпидемиологик текширувини ким ўтказади?

Беморни аниқлаган шифокор, COVID-19 ҳолатларини эпидемиологик текшириш стандарт анкетасини тўлдиради, шифохонада эпидемиолог бўлганда, анкета шу эпидемиолог томонидан тўлдирилади. Шифохона ичида беморлар ва тиббий ходимлар юқиши ҳолатида, шифохона эпидемиологи чуқурлаштирилган эпидемиологик текширишни ўтказади.



Биргаликда узоқ муддатли яшаш ва парвариш қилиш ижтимоий муассасаларида бемор аниқланганда, якка COVID-19 ҳолатларининг эпидемиологик текширувини ким ўтказади?

Биргаликда узоқ муддатли яшаш ва парвариш қилиш ижтимоий муассасаларида СЭОХ ҳудудий бўлимининг ёки ушбу муассасани назорат қилувчи идоравий СЭОХ нинг эпидемиолог шифокори ўтказади, ва жамланган маълумотлар, жинсига, ёшига кўра ажратилган ҳолда, тасдиқланган муддатларда (лекин камида ҳафтада 1 марта) электрон форматда санитария-эпидемиологик хизматнинг тегишли ҳудудий бўлимига топширилади.

Эпидемиолог COVID-19га учраган беморнинг мулоқотда бўлган шахсларини аниқлаганидан кейин қандай чораларни кўради?

Аниқланган мулоқотда бўлган шахсларни шифокорга (лаборантга) COVID-19 бўйича лабораторияда тест ўтказиш учун юборади. Шифокор (лаборант) мулоқотда бўлган шахслар ичида беморларни аниқлаш учун ПЗР таҳлилни ўтказиш учун суртмаларни олиши лозим.


COVID-19нинг ЛАБОРАТОРИЯ ДИАГНОСТИКАСИ



COVID-19 бўйича лаборатория текшируви қандай ўтказилади?

SARS-CoV-2 билан қўзғатилган касалликнинг лаборатория диагностикаси учун, нуклеин кислоталари амплификацияси усуллари қўлланади.

- ◆ Биологик материалда SARS-CoV-2нинг РНКни аниқлаш реал вақт режимида реакция маҳсулотлари детекцияси билан ОТ-ПЗР (RealTime ПЗР) усули билан, ва реал вақт режимида SARS-CoV-2 РНКнинг изотермик амплификацияси усули билан бажарилади.



- ◆ SARS-CoV-2нинг РНКни ПЗР усули билан аниқлаш SARS-CoV-2 юқумли касаллиги гумон қилинган респиратор касаллигининг клиникавий аломатлари бўлган беморларга, айниқса эпидемиологик жиҳатдан номақбул бўлган ҳудудлардан келган беморларга бирламчи кўриқдан кейин дарҳол тайинланади, шунингдек мулоқотда бўлган шахсларга ўтказилади, улар учун бу айниқса муҳим бўлади.

COVID-19 БЎЙИЧА ЛАБОРАТОРИЯ ТЕСТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ

НАМУНАЛАР БИЛАН ИШЛАШ

ТАҲЛИЛДАН
АВВАЛГИ БОСҚИЧ

НАМУНАЛАРНИ ОЛИШ
(БИОЛОГИК МАТЕРИАЛ)

НАМУНАЛАРНИ
ЛАБОРАТОРИЯГА
ОЛИБ КЕЛИШ


1. Таҳлилдан аввалги босқич

Текшириш учун **биологик материал** деб, қуйидагилар ҳисобланади: **бурун-томоқдан** ва **оғиз-томоқдан суртма** олиш пайтида олинган материал, фибро-бронхоскопия пайтида олинган бронхларни ювишдан қолган сув (бронхоальвеоляр лаваж), (эндо)трахеал, назофарингеал аспират, балғам, табиий ҳолатдаги қон, беморнинг ахлати (ичак дисфункцияси ҳолатида), ўпканинг биопсия ёки аутопсия материаллари.

Лаборатория текшируви учун **биоматериалнинг асосий турлари - бурун-томоқдан олинган суртма ва оғиз-томоқдан олинган суртмадир**. Суртмалар куруқ стерил зонд билан олинади. Бурун-томоқдан биоматериал олинганда зонд бурун бўшлигининг ташқи девори бўйлаб енгил ҳаракатлар билан 2-3 см чуқурлигига пастки бурун чиғаноғига киритилади. Кейин сал пастга туширилади ва пастки бурун йўлига, пастки бурун чиғаноғи остига киритилиб, айланма ҳаракатлар қилиб, бурун бўшлиғи бўйлаб ташқарига чиқарилади. Оғиз-томоқнинг орқа томонидан суртмалар зонд ёрдамида, шпателдан фойдаланиб олинади.

ДИҚҚАТ! Лаборатория текшируви учун олинган барча намуналар эҳтимолий юқумли деб ҳисобланиши керак, ва улар билан ишлаганда «I-II патоген гуруҳ (хавфлилик) микроорганизмлари билан ишлашда биохавфсизлик бўйича қоидалар» талабларига риоя қилиниши лозим.

Клиникавий намуналарни йиғиб оладиган ёки лабораторияга етказадиган тиббий ходимлар, биоматериал билан хавфсиз муомала қилиш амалиётига ўргатилган бўлиши, эҳтиёт чораларига қатъий риоя қилиши ва шахсий ҳимоя воситаларидан (ШХВ) фойдаланиши лозим.



Юқори нафас олиш йўлларида олинган суртмаларни ташиш ва сақлаш учун молекуляр-генетик тадқиқотлар учун ишлатиладиган махсус транспорт муҳитлари қўлланади. «Эппендорф» туридаги стерил физиологик эритмали пробиркаларни қўллаш рухсат этилади (эритманинг ҳажми камида 0,7 мл).


2. Таҳлил (лаборатория текширувини ўтказиш)

Маъмурий субъектларда COVID-19 нинг лаборатория ташхиси III-IV гуруҳ патогенлиги бўлган қўзғатувчилар билан ишлаш бўйича санитария-эпидемиологик хулосасига эга бўлган, қўзғатувчининг ажралишини кўзда тутмайдиган усуллардан фойдаланувчи, тегишли ишлаш шароитларига ва ПЗР усуллари бўйича ўқитилган ва уларни эгаллаган ходимлари бўлган ташкилотларнинг лабораторияларида ўтказилиши мумкин. Ўзининг юқори сезгирлиги туфайли ПЗР таҳлили бирламчи скрининг учун аъло хизмат қилади. Яллиғланиш ривожланган сари, шиллиқ пардалар ҳужайраларида вируснинг репликацияси камайиб боради. Касалликнинг бу босқичида ПЗР-тест манфий бўлиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолатларда ИФТ (ELISA) серологик диагностика усуллари қўлланади, бу таҳлил SARS-CoV-2 антигенига махсус специфик аксилтаначаларни аниқлашга асосланган.

Текшириш учун биологик материал сифатида беморнинг қони олинади. Лаборатория серодиагностикаси аксилтаначалар – М ва G синфидаги иммуноглобулинларни аниқлашни ўз ичига олади.

М синфидаги иммуноглобулинлар (IgM) – иммун тизими SARS-CoV-2 юқумли касаллигига жавобан ишлаб чиқара бошлайдиган илк даврдаги аксилтаначалар. Уларнинг даражасини аниқлаш учун етарли миқдори одатда қўзғатувчи билан илк контактдан сўнг камида 1-2 ҳафта ўтганда (касалликнинг симптоматик кечишида аломатлари пайдо бўлишидан камида 5 кун ўтганда) юзага келади, М синфидаги аксилтаначаларни эҳтимолий аниқлашнинг умумий даври эса кўпинча 2-3 ойдан кам бўлади – бу давр ичида IgM аксилтаначалари аста-секин IgG аксилтаначаларига тўлиқ алмашади.

G синфидаги иммуноглобулинлар (IgG) организмда вирус билан контактдан кейин 21-28 кун ўтганда ишлаб чиқарила бошланади, уларнинг даражаси аста-секин ошиб боради, лекин узоқ вақт – баъзан бир неча йил давомида юқори бўлиб қолиши мумкин. Қонда IgG аксилтаначалар мавжудлиги ва даражасига қараб, ўтмишда юқиш ҳолати ҳақида хулоса қилиш, ва специфик иммун жавобнинг – организмнинг вирусни такрорий учрашганда таниб олиш қобилиятининг бори-йўқлигини аниқлаш мумкин, бу ҳолат самарали вакцинациянинг мезонларидан бири деб ҳисобланади.



МАЪМУРИЙ СУБЪЕКТЛАРДА COVID-19НИНГ ЛАБОРАТОРИЯ ТАШХИСИ III-IV ГУРУХ ПАТОГЕНЛИГИ БЎЛГАН ҚЎЗҒАТУВЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУЛОСАСИГА ЭГА БЎЛГАН ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИДА ЎТКАЗИЛИШИ МУМКИН

ПЗР

Ўзининг юқори сезгирлиги туфайли ПЗР таҳлили бирламчи скрининг учун аъло хизмат қилади.

Биоматериалнинг асосий турлари: бурун-томоқдан олинган суртма ва оғиз-томоқдан олинган суртмадир

Яллиғланиш ривожланган сари, шиллиқ пардалар ҳужайраларида вируснинг репликацияси камайиб боради. Касаликнинг бу босқичида ПЗР-тест манфий бўлиб чиқиши мумкин.

ИФТ

ИФТ (ELISA)– бу таҳлил SARS-CoV-2 антигенига махсус специфик антитаначаларни аниқлашга асосланган.

Текшириш учун биологик материал сифатида беморнинг қони олинади. Лаборатория серодиагностикаси антитаначалар - **М ва G синфидаги** иммуноглобулинларни аниқлашни ўз ичига олади.

ПҚ-2863-сонли «Соғлиқ сақлашнинг хусусий секторини кейинги ривожлантириш бўйича чоралар тўғрисида» Қарорига кўра - <https://www.lex.uz/docs/3150311>

3. Пост-таҳлил (ПЗР натижаларини талқин этиш)

- ◆ **Мусбат** натижаси COVID-19 юқумли касаллиги борлигини билдиради
- ◆ **Манфий** натижаси тенг эҳтимоли бўлган ҳолда, қуйидагиларни билдириши мумкин:
 - a) юқумли касалликнинг йўқлиги
 - b) юқишнинг илк босқичи
 - c) тузалиш босқичи

ПЗРнинг натижаси манфий бўлганда, натижанинг ҳаққоний ҳисобланиши учун М ва G иммуноглобулинлари аксилтаначаларини аниқлаш учун ИФТ лаборатория тестини ўтказиш тавсия этилади.

МУҲИМ! Манфий натижа COVID-19 борлиги имконини истисно этмайди. Бошқа, такрорий олинган материал намунаси билан такрорий текширувни, халқаро тавсияларга мувофиқ ўтказиш керак, **амалда буни ҳеч ким қилмайди.**

Шунингдек, вируснинг мутациясини ва аҳолининг миграциясини ҳисобга олиб, туркумли ва сиквенсли ПЗР таҳлилинини танлов асосида ўтказиш зарур бўлади.



COVID-19 ташхисоти учун тўртта специфик текширув:

- ◆ Вирус РНК бўйича сифатли ПЗР-тест (ҳалқум ва бурун-томоқдан олинадиган суртма)
- ◆ IgA антитаначалари бўйича ярим миқдорий ИФТ-тест (венадан олинадиган қон)
- ◆ IgM антитаначалари бўйича ярим миқдорий ИФТ-тест (венадан олинадиган қон)
- ◆ IgG антитаначалари бўйича ярим миқдорий ИФТ-тест (венадан олинадиган қон)



Вируснинг ажралиши (ПЗР-тест)

IgA даражаси


IgM даражаси

IgG даражаси


Хатто коронавирус юқумли касаллиги аломатларисиз кечишида ҳам вируснинг ажралиши юз беради.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

- Институтни битирган ёш мутахассис ЭОваЖСХ туман бўлимига ишга келди. У ўз бошлиғидан сўрайди: Қандай қилиб эпидемиолог шифокор янги COVID-19 ҳолати ҳақида маълумотни олади? Бу саволга бўлим мудирини қуйидагича жавоб беради:**
 1. Ҳар қандай ДПМ COVID-19 аломатлари бўлган бемор аниқланганда, ЭОваЖСХ туман бўлимига Шошилиш хабарни юбориши лозим.
 2. Ф-058/У шаклидаги шошилиш хабарни эпидемиолог тўлдирди.
 3. Хусусий клиникалар шифокорлари Ф-058/У шаклидаги шошилиш хабарни Соғлиқни сақлаш Вазирлигига юборади.
 4. Фақат ДПМ санитарини Ф-058/У шаклидаги шошилиш хабарни ЭОваЖСХ туман бўлимига юбориши мумкин.
- Институтни битирган ёш мутахассис ЭОваЖСХ туман бўлимига ишга келди. У ўз бошлиғидан сўрайди: Мен янги COVID-19 ҳолати ҳақида маълумотни неча соат ичида олишим керак? Бу саволга бўлим мудирини қуйидагича жавоб беради:**
 1. Кўпи билан 24 соат ичида.
 2. Ф-058/У шаклидаги шошилиш хабар ЭОваЖСХ туман бўлимига юборилмайди.
 3. Шифокорлар Ф-058/У шаклидаги шошилиш хабарни юбормайди.
 4. Фақат ДПМ санитарини 72 соат ичида.



- 3. 300-сонли туман поликлиникасида, COVID-19 мавжудлигининг лаборатория тасдиқлови бўлган бемор 1979 й.т. Ж.А. Болтаев келиб тушганда, бошқа янги COVID-19 ҳолатларини аниқлаш учун қандай чора-тадбирлар ўтказилиши лозим?**
 1. Мулоқотда бўлган шахслар ўртасида ПЗР ташхиси учун клиник материални йиғиш ташкил этилиши лозим;
 2. Тиббий ходимлар ўртасида ПЗР ташхиси учун клиник материални йиғиш ташкил этилиши лозим;
 3. Яқин қариндошлари ўртасида ИФТ ташхиси учун клиник материални йиғиш ташкил этилиши лозим;
 4. Ишхонасида ПЗР, ИФТ ва экспресс ташхислари учун клиник материални йиғиш ташкил этилиши лозим.
- 4. 300-сонли туман поликлиникасида, COVID-19 мавжудлигининг лаборатория тасдиқлови бўлган бемор 1979 й.т. Ж.А. Болтаев келиб тушганда, мулоқотда бўлган шахсларини аниқлашдан кейин эпидемиолог қандай чора-тадбирларни кўриши лозим?**
 1. ПЗР усули билан COVID-19 бўйича тест ўтказиш, 14 кунлик изоляцияга жўнатиш.
 2. COVID-19 бўйича икки ҳафтага уй карантинига юбориш.
 3. Поликлиникага, COVID-19 ташхисини қўйиш учун УАШ шифокори кўриб чиқиши учун юбориш.
 4. ИФТ усули билан COVID-19 бўйича тест ўтказиш.
- 5. COVID-19 бўйича таҳлилдан аввалги босқич нимани ўз ичига олади?**
 1. Биологик материал синамаларини олиш ва уни лабораторияга ташиш
 2. Лаборатория таҳлилинини ўтказиш
 3. COVID-19 бўйича статистик маълумотлардан фойдаланиб, эпид.таҳлилни ўтказиш
 4. Лаборатория тестлари бўйича олинган натижаларни талқин қилиш.
- 6. COVID-19 бўйича лаборатория таҳлили босқичи нимани ўз ичига олади?**
 1. Лаборатория тестларини ўтказиш (ПЗР ва ИФТ)
 2. COVID-19 бўйича статистик маълумотлардан фойдаланиб, эпид.таҳлилни ўтказиш
 3. Биологик материал синамаларини олиш ва уни лабораторияга ташиш
 4. Лаборатория тестлари бўйича олинган натижаларни талқин қилиш.
- 7. COVID-19 бўйича таҳлилдан кейинги босқич нимани ўз ичига олади?**
 1. Лаборатория тестлари бўйича олинган натижаларни талқин қилиш.
 2. Лаборатория таҳлилинини ўтказиш
 3. COVID-19 бўйича статистик маълумотлардан фойдаланиб, эпид.таҳлилни ўтказиш
 4. Биологик материал синамаларини олиш ва уни лабораторияга ташиш.



3-модул.

COVID-19 БЕМОРИНИНГ МУЛОҚОТДА БЎЛГАН ШАХСЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА МАХСУС ШАКЛЛАРДА/ ЖАДВАЛЛАРДА ҚАЙД ЭТИШ

COVID-19 БЕМОРИНИНГ МУЛОҚОТДА БЎЛГАН ШАХСЛАРИНИ АНИҚЛАШ


Қайси мақсадда COVID-19 беморининг мулоқотда бўлган шахсларини аниқлаш лозим?

Касалланишни илк даврида аниқлаш мақсадида, беморларни илк даврида қайд этиш, касалланишни ҳар куни мониторинг қилиш асосий чора-тадбирлар ҳисобланади. У ҳар қандай юқумли касалликлар ўтишининг механизмларини тўхтатишга йўналтирилган. COVID-19да ҳам контактларни кузатиш самарали таъсир кўрсатади.

COVID-19 БЕМОРИНИНГ МУЛОҚОТДА БЎЛГАН ШАХСЛАРИГА КИМЛАРНИ КИРИТАДИ?

МУЛОҚОТДАГИЛАР — эҳтимолий ёки тасдиқланган ташҳисотли беморда касаллик аломатлари пайдо бўлишидан 2 сутка аввал ва 14 сутка кейинги давр мобайнида у билан қуйида кўрсатилган контакт турларидан бири бўлган контактда бўлган шахс:





Эпидемиолог мулоқотда бўлган шахсларга лаборатория текшируви натижаларини олишдан аввал нимани таклиф этади?

ЛАБОРАТОРИЯ ТЕКШИРУВИ НАТИЖАЛАРИ ОЛИНИШИДАН АВВАЛ МУЛОҚОТДА БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Мулоқотдагиларни кўзатиш

юқиш манбаи билан контакт бўлган пайтидан бошлаб 14 кун давомида, ҳар куни

Мулоқотдагиларни кўзатиш

юқори юқиш ва/ёки касалланиш хавфига мойил бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш имконини беради

Эҳтимолий ёки тасдиқланган ташҳисотли беморда касаллик аломатлари пайдо бўлганидан кейин, **14 сутка** ичида у билан яқин контактда бўлган барча шахсларнинг **ўз-ўзини изоляция қилиши**


Мулоқотдагилар шахслардан қандай қилиб ахборотни йиғиш керак?

Эпидемиолог ёки тиббий ходим ўчоқнинг чегарасини аниқлаши ва COVID-19 билан оғриган бемор билан мулоқотда бўлган шахсларнинг рўйхатини шакллантириши лозим. Кейин, ҳар бир мулоқотда бўлган шахс билан телефон орқали боғланиш ва унинг мулоқотда бўлган шахс таърифига мос келишига, ҳамда мониторинг зарурлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Мулоқотда бўлган шахсларга қандай маълумот берилиши лозим?

Мулоқотда бўлган шахс мақоми тасдиқланган ҳар бир кишига қуйидаги маълумот тақдим этилиши лозим:

- 1 Контактларни кузатиш жараёнининг бориши ва асосланиши, ҳамда карантин ҳақида маълумот;
- 2 Карантин пайтида яшаш жойи ва ёрдам кўрсатилиши тартиби;
- 3 Кузатиш даврида уларнинг пайдо бўлишига эътибор бериш зарур бўлган касаллик аломатлари;
- 4 Киши ўзини ёмон сезганда кўрилиши лозим бўлган чоралар, шу жумладан:
 - а) хабар берилиши лозим бўлган шахсларни кўрсатиш;
 - б) ўз-ўзини изоляция қилиш тартибини ва эҳтиёт чораларини тушунтириш (респиратор гигиенаси ва қўл гигиенаси);
 - в) юқоридаги шахсларнинг касалланиши гумонланганда, уларни тест ўтказишга ва даволашга юбориш механизмларини тушунтириш.



Мулоқотда бўлган шахсларни кундалик кузатишни ва мониторингни ким ва қандай қилиб амалга оширади?

Мулоқотда бўлган шахсларни ҳар кунги парвариш қилиш ва мониторинг қилиш ҳудудий ДПМ шифокори томонидан амалга оширилади

Ҳар кунги мониторинг мақсади – касаллик аломатларини ўз вақтида аниқлаш.

Мулоқотда бўлган шахсларни ҳар кунги тартибда оилавий шифокорни мустақил хабардор этиши мумкин.

Мулоқотда бўлган шахсларни ҳар кунги парвариш қилиш ва мониторинг қилиш ҳудудий ДПМ шифокори томонидан амалга оширилади.


Муаммоли ҳолатларда ҳар кунги мониторинг мобил гуруҳ томонидан, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Барча ҳолатлар ва яқунлар тўғрисидаги маълумотлар электрон базада қайд этилиши лозим.

Мулоқотда бўлган шахснинг мониторинги COVID-19га учраган бемор билан охириги мулоқот пайтидан бошлаб 14 кун ўтганда сунг яқунланади.

ЭПИДЕМИОЛОГ МУЛОҚОТДА БЎЛГАН ШАХСЛАР ИЧИДА ЛАБОРАТОРИЯ НАЗОРАТИ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ОЛГАНИДАН КЕЙИН НИМА ҚИЛАДИ?

Барча мулоқотда бўлган шахслар 14 кун давомида ўз-ўзини изоляция қилиш шароитида бўлиши керак. COVID-19 бўйича лаборатория тестининг мусбат натижаси олинганда энг яқин тиббий муассасага телефон орқали мурожаат қилиш тавсия этилади, ва унинг кечиши оғирлигига боғлиқ ҳолда участка шифокори уйда тегишли даволашни ўтказди ёки стационар даволашга юборади. Бемор касалликнинг барча клиник аломатлари йўқолгунча ва COVID-19 бўйича лаборатория текширувининг манфий натижаси олингунча ўз-ўзини изоляция қилиш шароитида қолади.



Клиник аломатларига кўра участка шифокорининг ҳаракатлари алгоритми (беморларни касаллик оғирлиги даражасига кўра ажратиш):

Касаллик оғирлиги даражаси			
Енгил кечиши	Ўртача оғир кечиши	Оғир кечиши	Ўта оғир кечиши
<ul style="list-style-type: none"> • Уйда амбулатор кузатиш. • Мобил бригадалар мониторинг қилиши – мураккаблашган ко-морбид* фон бўлган ва/ёки 65 ёшдан катта шахслар. 	<ul style="list-style-type: none"> • COVID-стационарда даволаш - КТ ёки рентгенографияда ўзгаришлар бўлган, COVID ПЗР (+) ёки ИФТ IgM (+) бўлган шахслар; • махсус йўналиш бўлимида даволаш - ПЗР (-) ёки ИФТ IgM (-) бўлганда. 	<ul style="list-style-type: none"> • COVID-стационарда даволаш ПЗР (+) ёки ИФТ IgM (+) бўлганда; • респиратор қўллаб-қувватлаши ва ОРИТ бўлган бўлимида даволаш ПЗР (-), ИФТ IgM (-) бўлганда 	<ul style="list-style-type: none"> • ОРИТда даволаш - ҳуши, онги бузилиши - кислород терапияси бўлганда SpO₂ <92% - ЧДД > 35/дақ.

* **Мураккаблашган ко-морбид фон** – бу қўшимча кечадиган касалликлар ва/ёки ҳолатлар мавжудлиги: АГ, СЮЕ, нафас олиш аъзоларининг сурункали касалликлари, онкологик касалликлар, гиперкоагуляция, ДВС-синдром, ОКС, қанд диабети, жигар циррози, стероидларни ва биологик терапияни яллиғланишли ичак касалликлари учун узоқ муддатли қўллаш, ревматоид артрит, гемодиализ ёки перитонеал диализ сеансларини олиш, иммунитет танқислиги ҳолатлари, шу жумладан, антиретровирус терапияси бўлмаганда ОИВ мавжудлиги, кимёвий терапия олувчилар; хавфли гуруҳга кирувчи шахслар билан яшаганда изоляция қилишнинг мумкин эмаслиги; уйда даволаниш учун шарт-шароитлар ёки тавсияларни амалга ошириш учун кафолатлар йўқлиги (ётоқхона, ижтимоий таъминот муассасалари, вақтинчалик турар жой пунктлари, ижтимоий ночор оила, ноқулай ижтимоий-маиший шароитлар).

ЭПИДЕМИОЛОГИК ТЕКШИРИШ

Эпидемиолог беморнинг эпидемиологик текширувини ўтказишда қандай маълумотларни йиғади?

- ◆ ёши;
- ◆ жинси;
- ◆ яшаш жойи;
- ◆ иш/ўқиш жойи;
- ◆ касаллик бошланиши санаси;
- ◆ мурожаат қилиш санаси;
- ◆ синамани олиш санаси;



- ◆ олинган мусбат натижанинг санаси;
- ◆ шошилиш хабарнома (Ф-58/У) берилиши санаси;
- ◆ тахминий юқиш манбаи ва юқиш жойи;
- ◆ шифохонага ётқизиш ёки уйда даволашнинг бошланиши санаси;
- ◆ лаборатория текширувнинг тури ва натижаси;
- ◆ вакцина билан эмланиш мақоми;
- ◆ хабар бериш пайтида бемор ҳолатининг оғирлиги (бемор шифохонага ётқизилди ва ўпкани сунъий шамоллатишга жойлаштирилди ёки реанимация ва интенсив терапия бўлимига келиб тушди);
- ◆ бирламчи ёки такрорий касаллик;
- ◆ касалликнинг якуни (шифохонадан чиқиш ёки ўлим санаси).

Лаборатория текшируви маълумотларини назорат қилиш қандай амалга оширилади?


SARS-CoV-2 бўйича тестдан ўтган шахслар сони ҳақида маълумот, уни барча тегишли лабораторияларда йиғиш тавсия этилади. Эпидемиологик назорат тизимлари одатда COVID-19 ҳолатлари сонини қайд этса ҳам, тест ўтказиш мезонлари ва тестдан ўтган шахсларнинг умумий сони ҳақида маълумотни йиғиш ҳам муҳим бўлади. Бу маълумот ўтказилган тестлар сонидан фарқ қилади, чунки бу сон айнан бир хил шахснинг такрорий тестдан ўтиши мумкинлиги туфайли, аниқ кўрсаткич бўла олмайди.

Ўтказилган лаборатория текширувларининг сони эпидназоратнинг фаоллиги даражасини кўрсатиши мумкин, мусбат тестларнинг сони эса аҳоли ичида юқумли касаллик ўтишининг интенсивлигини кўрсатиши мумкин. Бугунги кунда COVID-19 ни аниқлаш учун ПЗР лаборатория тестларини ўтказиш усули қўлланади, у юқумли касаллик ҳолатини тасдиқлаш учун БССТ тавсия қилган усулларга мос келади.

Эпидемиолог ҳар бир COVID-19 ҳолатини қайд этиш учун махсус шакллари қанчалик тез-тез тўлдириши керак.

Эпидемиолог ҳар куни юқори турувчи органларга барча гумонли, эҳтимолий ва тасдиқланган COVID-19 ҳолатлари тўғрисида маълумотни бериши, ва унга қуйидаги қўшимча маълумотни илова қилиши керак эпидемиологик текширувни ўтказишда олинган тўлиқ.





Эпидемиолог бир сутка давомида беморлар бўлмаганда, нима қилиши лозим?


Хатто бир сутка давомида COVID-19 аниқланганлиги тўғрисида бирорта шошилинч хабар бўлмаса ҳам, эпидемиолог касалланишнинг кейинги таҳлили учун нолли ҳисоботни юбориши керак..

COVID-19 ДАН ЎЛИМ ДАРАЖАСИ БЎЙИЧА ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТ



COVID-19дан ўлим даражаси устидан эпидемиологик назорат қандай амалга оширилади?

Шифохоналарда ҳам, шифохоналардан ташқарида ҳам COVID-19 билан боғлиқ бўлган ўлим якуни ҳолатлари сони ҳақида ҳар куни билдириш лозим. Жамиятда, шу жумладан узоқ парвариш қилиш муассасаларида аниқланган COVID-19 билан боғлиқ бўлган ўлим якуни ҳолатларининг сони ҳақида, шунингдек, ҳар куни СЭСнинг туман, вилоят ва республика даражаларига, ҳамда ЎзР ССВ га хабар бериш лозим.



COVID-19дан ўлим даражаси устидан эпидемиологик назорат амалга оширилганда қандай маълумотларни қайд этиш лозим?

Шифохоналарда ҳам, шифохоналардан ташқарида ҳам юз берган, COVID-19 билан боғлиқ бўлган ўлим якуни ҳолатларини қайд этиш лозим

COVID-19да ўлим билан якунланиш ҳолатлари

Ёши

Жинси

Ўлим жойи


Аҳолининг табиий ҳаракати ҳақидаги статистик маълумотдан вақт ўтиши сари ортиқча умумий ўлим даражасини кузатиш учун фойдаланиш керак.

COVID-19нинг лаборатория тасдиқлаши бўлмаган, лекин COVID-19 билан боғлиқ бўлган клиник ва эпидемиологик маълумотлар бўлганда, ТОРИ даги беморлар ўлимини қайд этиш қандай амалга оширилади?


Давлатлар шунингдек ташхиси қўйилмаган ёки аниқланмаган COVID-19 ҳолати бўлиши мумкин бўлган **носпецифик респиратор сабабларга кўра** ўлим якуни ҳолатларини кузатиши керак (масалан, аниқланмаган пневмония, ТОРИ).

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. ЭфваСМХ туман бўлимидаги эпидемиологнинг ёрдамчиси Курбанова Фатима мулоқотда бўлган шахслар ичида эпид текширишни ўтказишни истамайди, чунки улар жуда кўп, ойнанинг охирида унинг пул маблағлари қолдиғи чекланган, ва у мобил телефон учун қўшимча пул тўлашни истамайди. У эпидемиолог Н.С. Буриевдан сўрайди: COVID-19 да мулоқотда бўлган шахслар қайси мақсадда аниқланади? Н.С. Буриев жавоб беради:
 1. Мулоқотда бўлган шахсларни аниқлаш COVID-19 тарқалишининг олдини олиш учун амалга оширилади.
 2. Мулоқотда бўлган шахсларни аниқлаш COVID-19 беморларини даволаш учун амалга оширилади.
 3. Мулоқотда бўлган шахсларни аниқлаш беморларини тез шифохонага ётқизиш учун амалга оширилади.
 4. Мулоқотда бўлган шахсларни аниқлаш Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг ҳисобот юритиш юзасидан талаби ҳисобланади.



2. **ЭфваСМХ туман бўлимида охирги икки сутка давомида янги COVID-19 беморлари ҳолатлари йўқ. Эпидемиолог Н.С. Буриев нима қилиш керак?**
 1. Эпидемиолог ҳар куни, касалланишнинг кейинги таҳлили мақсадида, нолли ҳисоботни юбориши керак.
 2. Эпидемиолог ҳисоботни юборишни тўхтатиши керак.
 3. Эпидемиолог барча профилактика чора-тадбирларини бекор қилиши керак.
 4. Эпидемиолог ташхис қўйишнинг сифатини текшириш учун даволаш-профилактика муассасасига бориши лозим.
3. **ЭфваСМХ туман бўлимида эпидемиолог шифокор ва 300-сонли поликлиниканинг УАШ шифокори баҳслашиб, муаммонинг тўғри ечимини топа олмаяпти. Мулоқотда бўлган шахсларни ҳар куни кузатишни (даволашни) ва мониторинг қилишни ким ва қандай қилиб амалга оширади? УАШ бу масала билан эпидемиолог шуғулланиши керак, дейди. Тўғри ечимини топинг:**
 1. Мулоқотда бўлган шахсларни ҳар куни кузатишни (даволашни) ва мониторинг қилишни оилавий шифокор телефон орқали амалга оширади. Ҳар куни мониторинг қилишнинг мақсади – касаллик аломатларни ўз вақтида аниқлаш.
 2. Мулоқотда бўлган шахсларни ҳар куни кузатишни (даволашни) ва мониторинг қилишни эпидемиолог амалга оширади.
 3. Мулоқотда бўлган шахсларни ҳар куни кузатишни (даволашни) ва мониторинг қилишни қизил зонада ишлайдиган инфекционист амалга оширади;
 4. Мулоқотда бўлган шахсларни ҳар куни кузатишни (даволашни) ва мониторинг қилишни ҳамшира ёки санитар амалга оширади.
4. **ЭфваСМХ туман бўлимида эпидемиолог шифокор ва 300-сонли поликлиниканинг УАШ шифокори ЭфваСМХ туман бўлимига COVID-19 билан касалланган бемор аниқлангани ҳақида шошилиш хабарни юборди. Ёш эпидемиолог шифокор мулоқотда бўлган шахслардан қандай қилиб ахборотни йиғиш кераклигини ўйламоқда: ҳар бирининг олдига бориш керакми, ёки қўнғироқ қилиш керакми? Тўғри ечимини топинг:**
 1. Эпидемиолог беморнинг мулоқотда бўлган шахслари рўйхатини шакллантириши керак.
 2. Эпидемиолог ҳар бир мулоқотда бўлган шахс билан телефон орқали боғланиши ва унинг мулоқотда бўлган шахс таърифига мувофиқ эканлигига, ва уни мониторинг қилиш лозимлигига ишонч ҳосил қилиши керак.
 3. Эпидемиолог ёки тиббий ходим COVID-19 билан касалланган бемор билан охирги 7 кун ичида контактда бўлган шахсларнинг рўйхатини шакллантириши, ва уларни лабораторияга тест топшириш учун юбориши керак.
 4. Шифокор эпидемиологик текширишни ўтказиши керак.



4-модул.

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНИ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТЕКШИРИШ ХАРИТАСИ

АСОСИЙ ҚИСМИ: *Эпидемиологик текшириш картаси билан ишлаш учун махсус тайёрланган дастур қўлланади.*

Карта билан электрон тарзда ишлаш учун, компьютерингизда бўлган Excel дастуридан фойдаланиш керак.

Бу дастур эпидкارتани тўлдириш ва айти пайтда COVID-19 беморлари бўйича электрон ахборот базасини йиғиш имконини беради.

Бу Сизга маълумотни тез таҳлил қилиш, эпидемиологик вазиятнинг ўзгаришига қараб эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этишда ёрдам беради.

ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМИ: *маълумотларни киритиш, статистик таҳлил қилиш учун Excel дастуридан фойдаланиш.*


Карта билан электрон тарзда ишлаш учун, ўз компьютерингизга Excel файл - **Эпидкарта_0510** ни юклаб олиш керак. Бу дастур эпидкартани тўлдириш ва айти пайтда COVID-19 беморлари бўйича электрон ахборот базасини йиғиш имконини беради. Шунингдек, зарур бўлганда бу маълумотни тез таҳлил қилиш, эпидемиологик вазиятнинг ўзгаришига қараб эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш мумкин бўлади.

4.1. COVID-19 ҲОЛАТИДА СТАНДАРТ ШАКЛЛАРНИ ТЎЛДИРИШ

Эпидемиологик текшириш картасининг янгиланган варианты 28 бандидан иборат бўлиб, қуйидаги кўринишга эга:

КОРОНАВИРУС ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИГИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТЕКШИРУВИ КАРТАСИ

1. Бирламчи ташхис COVID-19.
2. Участок _____ (BC из констант)
3. Фамилияси, исми, ота исми _____ (ТП)



4. Жинси (BC)

Эркак (1)	Аёл (2)	
-----------	---------	--
5. Туғилган санаси _____ (Сана)
6. Фуқаролиги (BC)

Ўзбекистон	Чет эл фуқароси _____	
------------	-----------------------	--
7. Яшаш манзили _____ (ТП)
8. Телефон рақами +998 _____ (ТП маска бўйича)
9. Ўзбекистонга келиши (BC)

Авиа-алоқалар (1)	Темир йўл алоқалари (2)	Автомобиль (3)
-------------------	-------------------------	----------------
10. Келган давлати _____ (ТП)
11. Иш/ўқиш жойи _____ (ТП) (тушунтириш сатри)
12. Ишга/ўқишга охирги келган санаси _____ (Сана)
13. Хавфли гуруҳи (BC).

уюшган болалар	уюлмаган болалар	ўқитувчи
мактаб ўқувчилари	тиббий ходим	бошқалар
талабалар	ҳомиладор аёл	
14. Тахминий юқумли касаллик манбаи билан контакт жойи: (BC)


таълим муассасаси	иш жойи	оила
махалля	ДПМ	аниқланмаган
15. Бемор ҳақида маълумот олиш санаси ва вақти _____ (Сана ва вақти)
16. Якуний ташхис _____ (ТП)
17. Касаллик бошланиши санаси _____ (Сана)
18. ДПМ га мурожаат қилиш санаси _____ (Сана)
19. Ташхис қўйиш санаси _____ (Сана)
20. Шифохонага ётқизиш санаси _____ (Сана ва вақти)
21. Даволаш жойи (BC)

ДПМ	Уйда даволаш	Ўлим якуни
-----	--------------	------------
22. COVID-19 ташхиси

Биринчи марта касал бўлди _____ (Сана)		
Такрорий ҳолат _____ (Сана)		
23. Вакцина билан эмлаш (BC)

Тўлиқ курси	Тўлиқ курси эмас	Вакцина олмаган
-------------	------------------	-----------------
24. Вакцина тури:

Ўтказилмади	AstraZeneca	ZF-UZ-VAC 2001
-------------	-------------	----------------



- ◆ 2-қадам. **А «Туманлар»** устунида туманингиз номини ёзиш.

Туманлар	Тумандаги аҳоли сони	Худудлар	Худуддаги аҳоли сони	ФИШ
Юнусабад	254740	поликлиника 34	11000	Иванов Иван Иванович
		поликлиника22	53000	Петров Петр Петрович
		поликлиника 40	5800	
		поликлиника 17	6850	
		поликлиника 5	10410	
		поликлиника 6	23574	
		поликлиника 7	43211	

- ◆ 3-қадам. **С «Туман аҳолиси»** устунида туманда қанча аҳоли яшашининг сонини ёзиш керак.


Туманлар	Тумандаги аҳоли сони	Худудлар	Худуддаги аҳоли сони	ФИШ
Юнусабад	254740	поликлиника 34	11000	Иванов Иван Иванович
		поликлиника22	53000	Петров Петр Петрович
		поликлиника 40	5800	
		поликлиника 17	6850	
		поликлиника 5	10410	
		поликлиника 6	23574	
		поликлиника 7	43211	

- ◆ 4-қадам. **Е «Худудлар»** устунида туманингиз ҳудудда бўлган участкаларни/поликлиникалар рақамини ёзинг.

Туманлар	Тумандаги аҳоли сони	Худудлар	Худуддаги аҳоли сони	ФИШ
Юнусабад	254740	поликлиника 34	11000	Иванов Иван Иванович
		поликлиника22	53000	Петров Петр Петрович
		поликлиника 40	5800	
		поликлиника 17	6850	
		поликлиника 5	10410	
		поликлиника 6	23574	
		поликлиника 7	43211	

- ◆ 5-қадам. **Г «Худудлар аҳолиси»** устунида ҳар бир участкада/поликлиникада хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонини ёзинг.

Туманлар	Тумандаги аҳоли сони	Худудлар	Худуддаги аҳоли сони	ФИШ
Юнусабад	254740	поликлиника 34	11000	Иванов Иван Иванович
		поликлиника22	53000	Петров Петр Петрович
		поликлиника 40	5800	
		поликлиника 17	6850	
		поликлиника 5	10410	
		поликлиника 6	23574	
		поликлиника 7	43211	



- ◆ 6-қадам. I «ФИШ» устунда туманингизда эпидемиологик текширувда иштирок этиши ва анкетани тўлдириши мумкин бўлган эпидемиологлар/ эпидемиолог ёрдамчилари Ф.И.Ш.ни ёзинг.

Туманлар	Тумандаги аҳоли сони	Ҳудудлар	Ҳудуддаги аҳоли сони	ФИШ
Юнусабад	254740	поликлиника 34	11000	Иванов Иван Иванович
		поликлиника 22	53000	Петров Петр Петрович
		поликлиника 40	5800	
		поликлиника 17	6850	
		поликлиника 5	10410	
		поликлиника 6	23574	
		поликлиника 7	43211	




ДИҚҚАТ! КИРИТИЛГАН МАЪЛУМОТНИ САҚЛАНГ!

Маълумотни сақлаш учун Excel дастурининг менюсида Сақлаш тугмасини босинг. «Эпидкарта Туман номи» файли учун Туман номини ёзиб ишлатинг. Шундай қилиб, биз Эпидкарта варағига маълумот киритиш учун маълумотларни киритиб тайёрладик. Эпидкартани тўлдириш бўйича кейинги қадамлар 4.2-модулида таърифланган.

Бу тайёрлов ишларнинг барчасини бажаргандан кейин, Сиз «1. Эпидкарта» варағини очишингиз мумкин.

Туманлар	Тумандаги аҳоли сони	Ҳудудлар	Ҳудуддаги аҳоли сони	ФИШ
Юнусабад	254740	поликлиника 34	11000	Иванов Иван Иванович
		поликлиника 22	53000	Петров Петр Петрович
		поликлиника 40	5800	
		поликлиника 17	6850	
		поликлиника 5	10410	
		поликлиника 6	23574	
		поликлиника 7	43211	

Йўриқнома 1. Эпид.карта 2. Мулоқотдагилар 3. Худудлар бўйича маълумотлар 4. Касалланганлар 5. Инфекция манбаи



4.2. ЭПИДКАРТАНИ ТЎЛДИРИШ

COVID-19 ҳолатларининг эпидемиологик текшируви картаси

- ◆ Қулай бўлиши ва тасодифий хатоларнинг олдини олиш учун, замонавий амалий фаолиятда маълумотларни киритиш ва таҳлил қилиш учун статистик дастурлардан фойдаланиш энг тўғри бўлади.
- ◆ Ушбу модулда EXCEL дастури ва МАХСУС ТАЙЁРЛАНГАН СЎРОВНОМАЛАР ҲАМ МАЪЛУМОТ КИРИТИШ УЧУН, ҲАМ ОЛИНГАН МАЪЛУМОТНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УЧУН ишлатилади.



СТАТИСТИКА

Моддий ҳолатлар ва ҳодисаларнинг миқдорий қонуниятларини уларнинг сифат жиҳати билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганадиган фан.

Лекин, статистик усулларни қўллаш учун, муайян касаллик ҳақида керакли маълумотни йиғиш имконини берадиган асбоб зарур бўлади. Бу асбоблардан бири ЭПИДКАРТА ҳисобланади.

Шаклни тўлдирга бошлаймиз:

Агар йўриқномани диққат билан ўқиган бўлсангиз, «Эпидкарта» номли варақни очган бўлишингиз керак.

Сиз "Участка маълумоти" варағида туман номини тўлдиришингиз билан, Сизда эпидкартангизда "Туман"сатри автоматик тўлдирилади.

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК СУРИШТИРУВ КАРТАСИ


ТУМАН _____ Юнусабад _____

1. Бирламчи ташҳис: COVID-19 автоматик танланади, лекин сизда бошқа маълумот бўлса, сиз уни ўзгартиришингиз мумкин.

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК СУРИШТИРУВ КАРТАСИ

ТУМАН _____ Юнусабад _____

1. Бирламчи ташҳис _____ COVID-19 _____



2. Ҳудуд (Участок): Сиз «Ҳудуд» варағида поликлиника рақамини/участка номларини тўлдиришингиз билан, сизда тўлдириладиган эпидкартада туманингиздаги барча поликлиникалар автоматик кўринади.

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК СУРИШТИРУВ КАРТАСИ

ТУМАН _____ Юнусабад _____

1. Бирламчи ташҳис _____ COVID-19 _____

2. Ҳудуд _____

3. Фамилияси Исми Шарифи _____

4. Жинси _____

5. Туғилган санаси (КК.ОО.ЙЙЙ) _____

поликлиника 34
поликлиника22
поликлиника 40
поликлиника 17
поликлиника 5
поликлиника 6
поликлиника 7

3. Фамилияси, исми, ота исми: бемор Ф.И.Ш.ни ёзинг:

2. Ҳудуд _____ поликлиника 34 _____

3. Фамилияси Исми Шарифи _____ Рахимова Висолат Абдуллаевна _____

4. Жинси: беморнинг жинсини танланг

3. Фамилияси Исми Шарифи _____ Рахимова Висолат Абдуллаевна _____

4. Жинси _____ аёл _____


5. Туғилган санаси (КК.ОО.ЙЙЙ) _____

5. Туғилган санаси: беморнинг туғилган куни, оyi, йилини ёзинг.

3. Фамилияси Исми Шарифи _____ Рахимова Висолат Абдуллаевна _____

4. Жинси _____ аёл _____

5. Туғилган санаси (КК.ОО.ЙЙЙ) _____ 12.09.2000 _____



6. Фуқаролиги: рўйхатдан фуқаролигини танланг.

5. Туғилган санаси (КК.ОО.ЙЙЙ) _____ 12.09.2000 _____

6. Фуқаролиги _____
 Ўзбекистон
 Чет эл фуқароси

7. Яшаш манзили _____
 Из списка

7. Яшаш манзили: беморнинг яшаш манзилини ёзинг.

5. Туғилган санаси (КК.ОО.ЙЙЙ) _____ 12.09.2000 _____

6. Фуқаролиги _____ Ўзбекистон _____

7. Яшаш манзили _____ Юнусабад-10-15-21 _____

8. Телефон рақами: телефон рақамини ёзинг, агар бу чет эл фуқароси бўлса, «+998» ни ўзгартириш мумкин.

6. Фуқаролиги _____ Ўзбекистон _____

7. Яшаш манзили _____ Юнусабад-10-15-21 _____

8. Телефон рақами +998 _____ 903158363 _____

9. Ўзбекистонга келиши: рўйхатдан мос келган жавобни танланг.

7. Яшаш манзили _____ Юнусабад-10-15-21 _____

8. Телефон рақами +998 _____ 903158363 _____

9. Ўзбекистонга кириб келиши _____
 Ҳаво йўллари орқали
 Темир йўл орқали
 Автомобил йўллари орқали
 Чегарани кесиб ўтмаган


10. Қайси мамлакатдан келган _____

10. Келган давлати: бемор қаердан келган бўлса, шу давлатни ёзинг. Бемор ҳеч қаерга чиқмаган бўлса, бу жой бўш қолдирилади.

9. Ўзбекистонга кириб келиши _____ Автомобил йўллари орқали _____

10. Қайси мамлакатдан келган _____

11. Иш/ўқиш жойи _____



15. Бемор ҳақида маълумот олиш санаси ва вақти: санани ёзинг.

14.1. Мулоқотдагилар	7
15. Беморга тегишли бўлган маълумотларни олинган санаси (КК.ОО.ЙЙЙЙ)	12.09.2021
16. Якуний ташҳис	

16. Якуний ташҳис: беморнинг якуний ташҳисини ёзинг.

14.1. Мулоқотдагилар	7
15. Беморга тегишли бўлган маълумотларни олинган санаси (КК.ОО.ЙЙЙЙ)	12.09.2021
16. Якуний ташҳис	COVID-19

17-20. Саналар беморнинг сўзидан тўлдирилади.

17. Касаллик бошланишнинг тахминий санаси (КК.ОО.ЙЙЙЙ)	10.09.2021
18. ДПМга мурожат қилган сана (КК.ОО.ЙЙЙЙ)	12.09.2021
19. Ташҳис қўйилган сана (КК.ОО.ЙЙЙЙ)	12.09.2021
20. Шифохонага ётқизилган сана (КК.ОО.ЙЙЙЙ)	12.09.2021

21. Даволаш жойи: жавоблар рўйхатидан мос келган жавобни танланг.

20. Шифохонага ётқизилган сана (КК.ОО.ЙЙЙЙ)	12.09.2021
21. Даволаниш жойи	<input type="text" value="ДПМ"/>
22. COVID-19 ташҳиси	<input type="text" value="Уйда даволанмоқда"/>
	<input type="text" value="Вафот этган"/>

22. COVID-19 ташҳиси: жавоблар рўйхатидан мос келган жавобни танланг.

21. Даволаниш жойи	ДПМ
22. COVID-19 ташҳиси	<input type="text" value="Бирламчи касалланиш"/>
23. Вакцинация	<input type="text" value="Қайта касалланиш"/>



23. Вакцина билан эмлаш: жавоблар рўйхатидан мос келган жавобни танланг.

22. COVID-19 ташҳиси _____ Бирламчи касалланиш _____

23. Вакцинация _____
Тўлиқ курс
Тўлиқмас курс
Эмланмаган

24. Вакцина тури _____

24. Вакцина тури: жавоблар рўйхатидан мос келган жавобни танланг.

23. Вакцинация _____ Эмланмаган _____

24. Вакцина тури _____
Эмлагмаган
Спутник V
Moderna
AstraZeneca
Pfizer
ZF-UZ-VAC 2001
Бошқа

25. Лаборатория таҳлили _____

26. Эпидемиологик суриштирувни олиб борган _____

25. Лаборатория тестини ўтказиш: усуллар рўйхатидан мос келган жавобни танланг.

24. Вакцина тури _____ Moderna _____

25. Лаборатория таҳлили _____
Экспресс-тест
ПЗР
ИФА


26. Эпидемиологик суриштирувни олиб борган _____

26. Эпидемиологик текширув ўтказилди: шахслар рўйхатидан мос келган жавобни танланг.

25. Лаборатория таҳлили _____ ПЗР _____

26. Эпидемиологик суриштирувни олиб борган _____
Врач-эпидемиолог
Эпидемиолог ёрдамчиси

27. ФИШ _____



27. Ф.И.Ш. сиз ҳудудингизда эпидемиологик текшириш ўтказиши мумкин бўлган шахсларнинг Ф.И.Ш. ни тўлдирдингиз, рўйхатидан мос келган жавобни танланг.

26. Эпидемиологик суриштирувни олиб борган _____ Врач-эпидемиолог _____

27. ФИШ

28. Тўлдирилган сана (КК.ОО.ЙЙЙ) из списка

28. Ўтказиш санаси: текширувни ўтказиш санаси автоматик пайдо бўлади, лекин зарур бўлганда сиз уни ўзгартиришингиз мумкин.

27. ФИШ


28. Тўлдирилган сана (КК.ОО.ЙЙЙ)

«**Маълумот киритиш**» - эпидкартани тўлдиришдан кейин маълумот ахборот база-сида сақланиб қолиши учун ишлатилади: шаклни тўлдиришдан кейин бу тугмани 1 марта босинг.

28. Тўлдирилган сана (КК.ОО.ЙЙЙ)

«**Шаклни тозалаш**» - бу тугма шаклни тозалаш ва кейинги бемор учун эпидкартани тўлдириш учун ишлатилади.

28. Тўлдирилган сана (КК.ОО.ЙЙЙ)



Эпидемиологик карта билан ишлашни ўқитишдан сўнг сиз қуйидагиларни ўрганиб олдингиз:

- ◆ электрон эпидкартани очиш ва у билан ишлаш:
 - ўзингиз хизмат кўрсатадиган туманнинг маълумотини тўлдириш, улар эпидкартани тўлдиришда автоматик акс эттирилади;
 - киритилган маълумотни сақлаш;
 - барча киритилган маълумотларни эпидкарталардан ягона базага йиғиш;
 - COVID-19 бемори билан мулоқотда бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни ягона базага йиғиш.

ТОПШИРИҚ

Бу дастурдан фойдаланиш кўникмасини ривожлантириш учун зарур:

1. Сизнинг аниқ туманингизда ўқитиш бошланганидан бери аниқланган беморларнинг камида 10 эпидкарталарини тўлдириш.
2. Сиз тўлдирган эпидкарталар бўйича барча мулоқотда бўлган шахсларнинг маълумотини тўлдириш.


ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Электрон эпидемиологик картанинг асосий қисмлари нималардан иборат?

1. Умумий (яшил ранг билан белгиланган), махсус (сарик ранг билан белгиланган) қисмлар ва кўрсатмалар.
2. Умумий (сарик ва қизил ранг билан белгиланган).
3. Маълумотларни киритиш учун зарур бўлган махсус қисм.
4. Дастур билан ишлаш кўрсатмалари ва қоидаларидан.

2. Электрон эпидемиологик картанинг нима учун ишлатилади?

1. Беморлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш ва COVID-19 билан боғланиш.
2. COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш тактикасини аниқлаш.
3. COVID-19 билан касалланган беморларни эмлаш тактикасини аниқлаш.
4. COVID-19 билан касалланган беморлар учун лаборатория маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилишни аниқлаш.




3. Статистик дастурлардан қандай мақсадда фойдаланилади?

1. Маълумотларни киритиш ва таҳлил қилиш, тасодифий хатоларнинг олдини олиш учун.
2. Тиббий тадбирларни амалга оширишда шифокорларнинг амалий фаолиятини осонлаштириш.
3. Даволаш жараёнида тизимли хатолар юзага келишининг олдини олиш.
4. Тиббий-профилактика тадбирларини ўтказишда тасодифий хатолар юзага келишининг олдини олиш

4. Статистиканинг қайси таърифи тўғри?

1. Моддий ҳодисаларнинг миқдорий қонуниятларини уларнинг сифат томони билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганувчи фан.
2. Моддий ҳодисаларнинг миқдорий қонуниятларини ўрганувчи фан.
3. Моддий ҳодисаларнинг сифат қонуниятларини ўрганувчи фан.
4. Табиатдаги ҳодисаларнинг қонуниятларини ўрганувчи фан.



5-модул.

COVID-19 ҲОЛАТИДА МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

МАЪЛУМОТЛАРНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ:

- ◆ Ҳар қандай тадқиқотни якунлашдан кейин олинган **маълумотнинг статистик таҳлили** ўтказилади.
- ◆ **Статистик таҳлил** муваффақиятли ўтказилиши ва қўйилган вазифаларни ҳал этишга имкон бериши учун, тадқиқот оқилона режалаштирилиши керак (бу ҳолатда биз янгиланган эпидқартадан фойдаланишимиз керак).
- ◆ Зарур маълумот йиғишга имкон берадиган махсус воситадан фойдаланиш керак (бизнинг ўқитиш модулимизда махсус статистика тайёрланган).

Замонавий эпидемиологияда статистик усуллардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга:


- ◆ Биотиббиёт тадқиқотлари билан шуғулланган олимлар даврасида, статистика тили халқаро тилга айланган.
- ◆ Статистик (биометрик) усуллар эпидемиологияда шунчалик кенг қўлланадики, махсус билимлари бўлмаган кишилар кўпинча эпидемиологик ва статистик тадқиқотларнинг фарқига бора олмайди.
- ◆ Эпидемиологик тадқиқотларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, эпидемиология тадқиқотларни режалаштиришга алоҳида эътибор қаратади.
- ◆ Танланган тадқиқотнинг идеологик манбаи бўлади, олинган кўрсаткичларнинг мазмунли талқин этилишини таъминлайди, статистик усуллар эса фақат тадқиқотнинг асбобли воситалари бўлиб, улар муаммоларни аниқлаш ва бу муаммони тўғри ҳал этишга йўналтириш юзасидан ёрдам беради.



5-модул. COVID-19 ҲОЛАТИДА МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Эпид-карта тўлдирилганда, бизда автоматик тарзда «4. Касалланганлар бўйича маълумот» varaғида Касалланган шахслар бўйича маълумот жамланади.

Бирламчи ташхис	ҲУДУА	Фамилияси, исми, шарифи	Жинси	Туғилган сана	Туғилган сана	Фуқаролиги	Яшаш манзили	Телефон рақами	Ўзбекистонга кириб келиши	Қайси мамлакатдан кириб келди	Иш/ўқиш жойи	Иш/ўқиш охири марта борган сана	Ҳавфли гурӯҳ	Гумон қилинган касалликнинг юқиш жойи	Бемор тўғрисидаги олинган маълумотлар санаси	Яқиний ташхис	Касалликнинг бошланиши тахмин қилинган
COVID-19	поликлиника	Рахимова	Висола	аёл	12.09.2000	Ўзбекистон	Юнусабад-10-15-21	+998903158363	Автомобил йўллари орқали	ТУИТ	12.09.2021	12.09.2021	Талабалар	Бошқалар	12.09.2021	COVID-19	10.09.2021
COVID-19	поликлиника	Караева	Дильшод	аёл	15.09.2000	Ўзбекистон	Юнусабад-15-21-10	+998977756887	Чегарани кесиб ўтмаган	ТУИТ	15.09.2021	15.09.2021	Талабалар	Бошқалар	12.09.2021	COVID-19	14.09.2021



Агар Сиз «**5. Локализация ИИ**» (Инфекция мамбасини локализацияси) варағига кирсангиз, Сиз эпидқарталарга киритган маълумотлар автоматик тарзда келиб чиқади.

Кун	Ой	Йил
01	10	2021
30	10	2021

ЯНГИЛАШ

Юнусабад туманидаги коронавирус инфекцияси манбалари		
Муассаса номи	Муассаса тури	Инфекция манбаи
ТУИТ	Талабалар	Бошқалар
ТУИТ	Талабалар	Бошқалар

Бу жадвалнинг ўзига хос хусусияти шуки, **Сиз санани (кун, ой, йил)** ўзгартиришингиз мумкин, ва жадвал Сизга кўрсатилган давр учун барча маълумотларни чиқариб беради:


Кун	Ой	Йил
01	10	2021
30	10	2021

ЯНГИЛАШ

Юнусабад туманидаги коронавирус инфекцияси манбалари		
Муассаса номи	Муассаса тури	Инфекция манбаи
ТУИТ	Талабалар	Бошқалар
ТУИТ	Талабалар	Бошқалар

«**6. Касалланиш кўрсаткичлари**» варағига кириб, Сиз эпидқарталарга киритган маълумотлар автоматик тарзда келиб чиқади. Ушбу жадвал маълумотларни ёш гуруҳларига кўра, ҳамда хавф гуруҳларига кўра автоматик тарзда тақсимлайди.

Коронавирус инфекцияси билан касалланганлар тўғрисида кунлик маълумот		01	01	2021	дан	31	12	2021	гача										
Улардан, қайта касалланганлар сони	Вакцинациядан кейин касалланган беморлар сони	Жами рўйхатга олинган беморлар																	
		0-14 ёшда	15-19 ёшда	20-29 ёшда	30-39 ёшда	40-49 ёшда	50-59 ёшда	60 ёш ва ундан катта	Уюшган болалар (МТМ)	Уюлмаган болалар	Уқувчилар	Талабалар	Тиббий ходимлар	Уқитувчилар	Хотимларлар	Бошқалар	Шифохонага ётқизилган сана		
1	1			2															



«10. Вакцина билан эмланганлар ўртасида касалланиш» варағи тўлиқ вакцинация курсини олган шахслар ичида, бемор айнан қайси вакцина билан эмланганлигини аниқлаган ҳолда, касалланган шахслар бўйича аниқ маълумот олиш имкони беради.

Вакцинациядан кейин касалланган беморлар тўғрисида кунлик маълумот

Ҳисобот даври:	01	09	2021	дан	30	9	2021
Маъмурий ҳудуд	Тўлиқ вакцинация олгандан сўнг касалланган беморлар сони	Спутник V	Moderna	AstraZeneca	Pfizer	ZF-UZ-VAC 2001	Бошқа
Юнусабад, поликлиника 34							
Юнусабад, поликлиника 22							
Юнусабад, поликлиника 40							
Юнусабад, поликлиника 17							
Юнусабад, поликлиника 5							
Юнусабад, поликлиника 6							
Юнусабад, поликлиника 7							
Юнусабад, поликлиника 8							

«10. Вакцина билан эмланганлар ўртасида касалланиш» варағида шунингдек биз унинг давомигадаги маълумотларни олмоқчи бўлган вақт даврини белгилашимиз мумкин.


БУ МУҲИМ! тўлиқ вакцинация курсини олган беморлар ичида.

Вакцинациядан кейин касалланган беморлар тўғрисида кунлик маълумот

Ҳисобот даври:	01	09	2021	дан	30	9	2021
Маъмурий ҳудуд	Тўлиқ вакцинация олгандан сўнг касалланган беморлар сони	Спутник V	Moderna	AstraZeneca	Pfizer	ZF-UZ-VAC 2001	Бошқа
Юнусабад, поликлиника 34							
Юнусабад, поликлиника 22							
Юнусабад, поликлиника 40							
Юнусабад, поликлиника 17							
Юнусабад, поликлиника 5							
Юнусабад, поликлиника 6							
Юнусабад, поликлиника 7							
Юнусабад, поликлиника 8							

Эпидемиологик карта билан ишлашни ўрганишдан кейин Сиз қуйидагиларни ўрганиб олдингиз:

- ◆ COVID-19 устидан эпидназоратни амалга ошириш учун тайёрланган ушбу статистик дастурдан тўғри фойдаланганда, ахборот базасини шакллантириш;
- ◆ Сизнинг амалий фаолиятингизда қўлланадиган зарурий ҳисобот маълумотларини ва жадвалларни олиш;
- ◆ Юқумли касалликнинг манбаи бўйича, беморларнинг локализацияси бўйича, ёшига кўра, хавф гуруҳларига кўра маълумотларни олиш;



- ◆ Участкалар қирқимида ҳамда белгиланган вақт оралиғида ҳафталик, ойлик, йиллик касалланишнинг кўрсаткичларини олиш
- ◆ Вакцина билан эмланган шахслар орасида касалланиш кўрсаткичларини аниқлаш, бу эса тўлиқ вакцинация курсини олган шахслар ичида касалланган беморлар бўйича аниқ маълумот олиш имконини беради.

ТОПШИРИҚ


Ушбу дастурдан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш учун қуйидагилар керак бўлади:

1. Ўқитиш бошланган пайтидан бошлаб Сизнинг муайян ҳудудингизда аниқланган беморларнинг камида 20 та эпидкарталарини тўлдириш.
2. Сиз тўлдирган эпидкарталар бўйича (камида 20 та!) барча мулоқотда бўлган шахслар маълумотларини тўлдириш
3. Сиз охириги 3 кун ичида киритган маълумотларга мувофиқ ҳолда барча ҳисобот жадвалларини олиш.
4. Юқумли касалликнинг манбаи бўйича, беморларнинг жойлашуви бўйича маълумотларни олиш.
5. Беморларнинг ёшига кўра, хавф гуруҳларига кўра касалланишга оид маълумотларни олиш.
6. Бир ҳафта учун, бир ой учун, бир йил учун, участкалар қирқимида ҳамда белгиланган вақт оралиғида касалланишнинг кўрсаткичларини аниқлаш.
7. Вакцина билан эмланган шахслар ичида касалланиш кўрсаткичларини аниқлаш, бу эса тўлиқ вакцинация курсини олган шахслар ичида касалланган беморлар бўйича аниқ маълумот олиш имконини беради.


ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ёш гуруҳлари бўйича маълумотларни тўплашдан мақсад нима?

1. Касалликнинг энг кўп учрайдиган ёшлилар гуруҳини аниқлаш, профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни мақсадли амалга ошириш.
2. Худуни қаттиқ карантинга ёпиш мақсадида
3. Мактабларни ёпиш мақсадида
4. Эмлаш заруриятини янгилаш мақсадида.



- 2. Нима учун ҳар бир участка/туман бўйича COVID-19 билан касалланиш бўйича маълумотлар керак?**
 1. Касаллик даражаси юқори бўлган ҳудудларни аниқлаш, ўз вақтида чора кўриш ва профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни мақсадли амалга ошириш.
 2. Юқори ташкилотларга, шу жумладан туман, шаҳар ҳокимлигига ҳисоботлар юборилсин.
 3. Даволаш профилактика муассасаларида койкалар сонини аниқлаш.
 4. Ҳар бир аниқ ҳудудда касалликнинг мавсумийлигини аниқлаш.
- 3. Нима учун COVID-19 беморининг алоқа маълумотлари керак?**
 1. Беморларни эрта аниқлаш, касалликнинг ўчоғини чегаралаш ва касалланишнинг янада тарқалишининг олдини олиш учун.
 2. Даволаш профилактика муассасасида талаб қилинадиган якуний фонд миқдорини аниқлаш мақсадида.
 3. Лаборатория текшируви утказиш мақсадида.
 4. Мамлакат, вилоят, туман чегаралари ёпилсин, мактаблар карантинга ёпилиш мақсадида.
- 4. Хавфли гуруҳлар орасида касалланиш бўйича маълумотлар нима учун керак?**
 1. Касалликнинг энг юқори даражаси бўлган хавф гуруҳини аниқлаш ва профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни мақсадли амалга ошириш.
 2. Хавф гуруҳлари фаолиятини чеклаш ва уларни қаттиқ карантинга ёпиш мақсадида.
 3. Мактаб, болалар боғча, даволаш-профилактика муассасаларини ёпиш мақсадида.
 4. Эмлаш заруриятини янгилаш.



6-модул.

COVID-19 ҲОЛАТИДА МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАЛҚИН ҚИЛИШ. COVID-19 ҲОЛАТИДА ПРОФИЛАКТИКА ВА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР ЙИҒИШ


Ҳар бир туманда эпидемиологик вазиятни таҳлил қилиш учун қандай маълумотлар тўпланади?

Туманда эпидемиологик вазиятни аниқлаш учун ҳолатлар бўйича ҳисоботлар, ушбу давлатда қанчалик мумкин бўлса, шунчалик узоқ вақт мобайнида йиғилади. Муайян ҳолатлар бўйича маълумот ҳам, ҳар кунги, ҳар ҳафта учун, ҳар ой учун жамланган маълумот ҳам зарур бўлади. Бу маълумотларнинг барчаси касаллик тенденцияларини аниқлаш учун зарур бўлади.

Нима учун COVID-19 касаллиги ҳолатлари бўйича кундалик маълумотни йиғиш керак?

Ҳар бир COVID-19 ҳолати бўйича текшириш ўтказилиши, ҳамда беморларни илк босқичида аниқлашга, ҳамда юқумли касаллик тарқалишининг олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш учун, ва ўз вақтида жавоб бериш мақсадида, COVID-19 беморининг эпидемиологик текшириш картаси тўлдирилиши керак.

Барча маъмурий даражалар (масалан, участка, туман, вилоят, республика) бўйича янги ҳолатлар сони ва ўлим даражаси ҳақида билдириш лозим.




COVID-19 касаллиги ҳолатлари бўйича қандай ҳафталик жамланган маълумотни йиғиш керак?


- 1 Янги тасдиқланган /ҳолатларнинг/ ҳар ҳафтадаги сони: COVID-19 бўйича мусбат натижаси бўлган беморлар
- 2 Янги эҳтимолий ҳолатларнинг ҳар ҳафтадаги сони: лаборатория текширувнинг натижаси яқуний бўлмаган беморлар
- 3 COVID-19 юқумли касаллигидан янги ўлим ҳолатларининг ҳар ҳафтадаги сони
- 4 Янги шифохонага ётқизилган COVID-19 беморларининг ҳар ҳафтадаги сони
- 5 Янги ҳолатларнинг ва янги ўлим ҳолатларининг ҳар ҳафтадаги сони, ёшига кўра гуруҳларга ажратилган ҳолда (қуйидаги гуруҳлар қўлланади: 0-14, 15-19, 20-29, 30-39, 40-49, 50-59, 60 ёш ва ундан катталар)
- 6 Тасдиқланган касаллик ҳолатлари ва ўлим ҳолатлари учун беморлар жинсларининг жами нисбати
- 7 Кузатиладиган мулокатда бўлган шахслар сони

Нима учун COVID-19 беморларини ҳар ҳафтада қайд этиш керак?

Беморларни ҳар ҳафтада қайд этиш қуйидагилар учун зарур бўлади: COVID-19 нинг эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш учун, келажакда ушбу юқумли касалликнинг эпидемик чегараларини аниқлаш учун, касалликнинг мавсумий хусусиятларини аниқлаш учун.

ЎЗБЕКИСТОНДА COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНИШ, ҲАФТАЛАР БЎЙИЧА, ЦЕВ 17:00 ВАҚТИДА





ЁШ ГУРУҲЛАРИ ВА ХАВФ ГУРУҲЛАРИ

Ёш гуруҳлари бўйича COVID-19 билан касалланиш кўрсаткичлари маълумоти нима учун зарур бўлади?

Ёш гуруҳлари бўйича касалланиш кўрсаткичлари касалликнинг эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш, ёш гуруҳларини аниқлаш, касалликнинг юқори хавфига мойил бўлган, касалликнинг оғир кечишига мойил бўлган шахсларни аниқлаш имконини беради. Бу маълумот беморларни илк босқичда аниқлаш, аниқ йўналтирилган эпидемияга қарши ва профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлади.

Ўзбекистонда COVID-19 билан касалланиш ҳолатлари бўйича ҳисобот маълумотларида қандай хавф гуруҳлари ажратилади?


Ўзбекистонда умумий аҳолидан ажратиш зарур бўлган аҳоли гуруҳлари:

- ◆ ташкил этилган болалар,
- ◆ ташкил этилмаган болалар,
- ◆ мактаб ўқувчилари,
- ◆ талабалар,
- ◆ тиббий ходимлар,
- ◆ ўқитувчилар,
- ◆ ҳомиладор аёллар.


COVID-19 билан касалланиш ҳолатлари бўйича ҳисобот маълумотларида хавф гуруҳлари қандай мақсадда ажратилади?

COVID-19 тарқалишининг энг катта хавфи нуқтаи назаридан хавф гуруҳлари аниқланади. Улар тез жавоб бериш ва хавф гуруҳига мувофиқ ҳолда эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиш учун, мулоқотда бўлган шахсларни илк босқичда аниқлаш ва изоляция қилиш учун, мулоқотда бўлган шахслар ичида янги касаллик ҳолатларини аниқлаш ва илк босқичда даволашни бошлаш учун, ҳамда ушбу хавф гуруҳида кейинги юқумли касаллик тарқалишининг олдини олиш учун аниқланади.





ЭПИДЕМИК ЖАРАЁН




COVID-19 билан касалланиш ҳолатини эпидемиологик текширув картасида тахминий контакт жойи қандай мақсадда аниқланади?

COVID-19 билан касалланиш ҳолатини эпидемиологик текширув картасида тахминий контакт жойи қуйидаги мақсадда аниқланади:

- 1) юқумли касаллик манбаининг жойини аниқлаш, тез жавоб бериш ва бемор билан тахминий контакт жойида эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиш;
- 2) барча мулоқотда бўлган шахсларни илк босқичда аниқлаш, изоляция қилиш янги касаллик ҳолатларини илк босқичда аниқлаш ва мулоқотда бўлган шахслар ичида даволашни бошлаш;
- 3) юқумли касалликнинг кейинги тарқалишининг олдини олиш.

КАСАЛЛИК МАНБАИ БЎЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН БЕМОРНИ АНИҚЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН ҚАНДАЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛАДИ?

Эпидемиологик текширув якунланганидан кейин СЭС ходимлари 1 иш куни ичида мумкин бўлган алоқа воситалари ёрдамида, COVID-19 беморларига ва COVID-19 беморлари билан контактда бўлган шахсларга, улар COVID-19 бемори билан контакт кунидан бошлаб 14 календар кунни давомида изоляция режимига риоя этиши лозимлиги ҳақида хабар беради.



СЭХ COVID-19 бемори билан контактда бўлган шахсларнинг яшаш (бўлиш) жойидаги тиббий ташкилотга, ушбу шахсларни тиббий кузатиш белгиланиши ҳақида йўриқнома беради.


Поликлиникалар мулоқотда бўлган шахсларни 14 календар куни давомида тиббий кузатишни белгилаб амалга оширади.

COVID-19 бемори билан контактда бўлган шахсдан лаборатория текшируви учун биологик материал синамаларини олиш, COVID-19 га ўхшаш касалликнинг клиник аломатлари пайдо бўлганда амалга оширилади. Биоматериал олишни поликлиника ходимлари бажаради.

14 кунлик ўз-ўзини изоляция қилиш тугаганда такрорий тест талаб қилинмайди.

Нима учун ҳисобот шаклларида касалланишнинг интенсив кўрсаткичини ҳисоблаш мумкин?

Ҳар бир туман/вилоят/давлатда турли аҳоли сони бўлгани учун, касалланиш ёки касалликнинг тарқалганлиги кўрсаткичларини бевосита таққослаш мумкин эмас. Интенсив кўрсаткични ҳисоблаганда, биз кўрсаткичларни таққослаш ва касалликнинг тарқалганлиги ёки касалланишнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш имконига эга бўламиз. Бу эса бизга эпидемияга қарши профилактик чора-тадбирларни тўғри режалаштириш ва ўтказишга, ҳар бир муайян ҳудудда эпидемиологик вазиятнинг ўзгаришларига ўз вақтида жавоб беришга ёрдам беради.




ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1. Касалланишнинг интенсив кўрсаткичини ҳисоблаш нима учун керак бўлади?**
 1. Кўрсаткичларни таққослаш ва касаллик тарқалганлигининг ҳақиқий қий-матини аниқлаш учун.
 2. Вирус мутацияси эҳтимолини аниқлаш учун.
 3. Касалланганлар сонини аниқлаш учун.
 4. Ҳисоботни тайёрлаш ва ахборотни тарқатиш учун.

- 2. Ўзбекистонда умумий аҳолидан ажратиш лозим бўлган хавф гуруҳларини аниқланг:**
 1. Уюшган (боғчага борадиган) болалар, уюлмаган болалар, мактаб ўқув-чилари, талабалар, тиббий ходимлар, ўқитувчилар, ҳомиладор аёллар.
 2. ДДУ, ҳарбий хизматчилар, ўқитувчилар, талабалар, нафақахўрлар.
 3. Болалар, ўсмирлар, катта ёшдагилар, кексалар.
 4. Соғлом кишилар, беморлар, ташкил этилган болалар, ташкил этилмаган болалар.

- 3. Касалланиш ўчоғининг эпидемиологик текширувини ўтказиш учун қандай ҳужжатни тўлдириш керак?**
 1. Беморнинг эпидемиологик текширув картаси.
 2. Касаллик ривожланиши тарихи.
 3. Бемор мавжудлиги ҳақида шошилиш хабар.
 4. 058-сонли ҳужжат шакли.

- 4. Бемор аниқланганда ташкилотда қандай чора-тадбирлар ўтказилади?**
 1. Мулоқотда бўлган шахсларни аниқлаш, уларни 14 кун давомида ўз-ўзини изоляция қилиш учун юбориш, ва беморларни илк босқичда аниқлаш учун ПЗР усули билан тестни ўтказиш.
 2. Тахминий беморга ундан касаллик юққан беморни аниқлаш.
 3. Барча мулоқотда бўлган шахсларни 14 кунга шифохонага ётқизиш.
 4. Барча мулоқотда бўлган шахсларни тестдан ўтказиш кейинги 14 кун даво-мида ҳар 7 кунда ўтказилади.



7-модул.


COVID-19 ҲОЛАТИДА ҲАРАКАТ СЦЕНАРИЙЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ (эпидемик жараён ривожланиши ва жавоб чораларини кўриш сценарийлари)

1-СЦЕНАРИЙ.

28 кун давомида (фаол) касаллик ҳолатлари бўлмаганда, муайян аҳоли пункти ҳудудида ўтказиладиган чора-тадбирлар сифатини баҳоланг:

ТАСНИФИ ВА ҲАРАКАТЛАР

28 кун давомида COVID-19нинг янги ҳолатлари аниқланмаганлиги, сифатли профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказилишини билдиради. Максимал инкубация давридан икки баравар узоқроқ давр мобайнида янги COVID-19 ҳолатлари бўлмаслиги, ишончли эпидназорат тизими мавжуд бўлганда, 1-босқичга: қайд этилган ҳолатлар йўқлигига мос келади, у ҳам касалликнинг нолли ўтишини, ҳам аниқланган ва қайд этилган касаллик ҳолатлари бўлмаслигини ўз ичига олади. Бу умуман аҳоли учун амалда нолли юқиш хавфи бўлишини билдиради.



2-СЦЕНАРИЙ.

Вилоятлардан бирида А-туманида охириги 2 ҳафта давомида янги COVID-19 ҳолатлари қайд этилмаган. Лекин 15 июнь куни тана ҳарорати кўтарилган бемор аниқланди, у 10.06.2021 йилда Санкт–Петербург шаҳридан учиб келган. Учиб келганидан кейин у COVID-19 бўйича тест топширди, натижаси манфий бўлган эди.

1. Ушбу ҳолатнинг таърифини беринг.
2. Керакли профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ҳажмини белгиланг.

ТАСНИФИ ВА ҲАРАКАТЛАР


Ушбу ҳолат олиб кирилган/якка ҳолат ҳисобланади. Бу 1-босқичда умуман аҳоли учун минимал юқиш хавфини кўзда тутуди. Лекин бунда бир қатор профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиш лозим:

Маҳаллий даражада:

- ◆ бемор мулоқот қилган барча мулоқотда бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни 14 кунга ўз-ўзини изоляция қилиши учун уйига жўнатиш;
- ◆ барча мулоқотда бўлган шахслар ичида, ҳамда бемор яшайдиган оила аъзолари ичида, ҳар куни термометрияни ўтказиш;
- ◆ барча мулоқотда бўлган шахсларни ПЗР усули билан лаборатория тестидан ўтказишни ташкил этиш ва ўтказиш;
- ◆ COVID (+) натижаси бўлганда, аломатларига, ёшига, ҳамда юқумли бўлмаган касалликлари мавжудлигига боғлиқ ҳолда, беморни шифохонага ётқизиш, ёки уйда даволаш – участка шифокори қарор қабул қилади.
- ◆ 14 кундан сунг, касаллик аломатлари бўлмаганда ва лаборатория тестининг натижаси манфий бўлганда барча мулоқотда бўлган шахслар фаол турмуш тарзини юритиши мумкин

Республика даражада:

- ◆ РесСЭС га бу ҳолат ҳақида шошилинч билдириш;
- ◆ самолетда учиб келган барча йўловчиларнинг яшаш жойларини аниқлаш;
- ◆ бемор учиб келган самолетдаги йўловчилар учун ҳам, участка шифокори назорати остида 14 кунлик карантин (ўз-ўзини изоляция қилиш) ўтказилиши керак;
- ◆ ҳар бир йўловчининг яшаш жойига кўра ПЗР усули билан лаборатория тест синовини ўтказиш, мусбат натижаси бўлганда, клиник кечилишига боғлиқ ҳолда даволаш лозим.



3-СЦЕНАРИЙ.

А шахрида, Б туманида, мактаблардан бирида бир ҳафта давомида COVID-19 бўйича лаборатория тестининг мусбат натижаси бўлган учта бошланғич синф ўқитувчиси аниқланган. Мактаб учта алоҳида қурилган бинодан иборат. Бошланғич синфларни ўқитиш биноси алоҳида жойлашган.

1. Ушбу ҳолатларни тарқалганлигига кўра белгиланг.
2. Керакли профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказилиши учун чоралар ҳажмини белгиланг.


ТАСНИФИ ВА ҲАРАКАТЛАР

Бир муассасада бир нечта ҳолат аниқланганда биз буни ҳолатлар кластерлари деб аташимиз мумкин

- ◆ Охирги 14 кун ичида аниқланган ҳолатлар, асосан аниқ белгиланадиган кластерлар билан чегараланган, улар бир-бири билан бевосита боғланмаган бўлиши мумкин, лекин уларнинг барчаси вақтига кўра, географик жойлашувига кўра ва умумий таъсирига кўра боғлиқ бўлади.
- ◆ Бу мактабда аниқланмаган ҳолатларнинг маълум сони бор, деб тахмин қилинади. Бу эса ушбу кластерлар билан контакт бўлмаганда, кенгроқ жамоанинг бошқа мактаблари учун (умуман аҳоли учун) паст юқиш хавфи борлигини кўзда тутди.

COVID-19нинг кейинги тарқалишининг олдини олиш учун қуйидагилар зарур бўлади:

- ◆ бу ўқитувчилар катта синф ўқитувчилари билан контактда бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш, агар бўлмаса, ўқитувчилар юқиш хавфи остида қолмаган. Лекин агар охирги 14 кун ичида умумий мажлис бўлган, ёки улар бошқа ўқитувчилар билан мулоқот қилган бўлса, уларнинг барчаси мулоқотда бўлган шахсларга киради;
- ◆ бу мактабда кичик синфлар алоҳида кириши бўлган ва алоҳида жойлашган бинода ўқитилади, бу эса катта синфлар беморлар билан контактда бўлмаган, деб тахмин қилиш учун асос беради;
- ◆ барча кичик синфлар масофадан ўқитишга юборилади;
- ◆ беморлар билан яқин контактда бўлган барча ўқитувчилар 14 кунга ўз-ўзини изоляция қилиши учун юборилиши лозим, участка шифокориинг назорати остида термометрияни амалга ошириши, ҳамда ПЗР усули билан лаборатория тестини топшириши лозим. Шунга мувофиқ ҳолда, ўқув жараёни онлайн режимига ўтказилади.



4-СЦЕНАРИЙ.

А туманида мактаблардан бирида бир ҳафта давомида COVID-19 бўйича лаборатория тестининг мусбат натижаси бўлган учта катта синфларда дарс ўтувчи ўқитувчилар аниқланган, охириги 2 ҳафтада баъзи катта синфларда машғулот давомати яхши эмаслиги қайд этилган. Ота-оналар болалар ўзини ёмон сезишдан шикоят қилган.

1. Ушбу ҳолатларни тарқалганлигига кўра белгиланг.
2. Керакли профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказилиши учун чоралар ҳажмини белгиланг.

ТАСНИФИ ВА ҲАРАКАТЛАР


Бир муассасада бир нечта ҳолат аниқланганда, биз буни шундай дейишимиз мумкин: оммавий тарқалиш – 1-босқич (MP1)

- ◆ Охириги 14 кун ичида аниқланган, маҳаллий пайдо бўлган, кенг майдонда тарқалган ҳолатларнинг паст тарқалганлиги, бунда кўпчилик ҳолатлар муайян кластерлар билан боғлиқ бўлмайди;
- ◆ Касалликнинг ўтиши маълум аҳоли гуруҳларида тарқалган бўлиши мумкин. Бутун аҳоли учун юқишнинг паст хавфи бўлади.

COVID-19 нинг кейинги тарқалишининг олдини олиш учун қуйидагилар зарур бўлади:

- ◆ бу ўқитувчилар кичик синф ўқитувчилари билан контактда бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш, агар бўлмаса, ўқитувчилар юқиш хавфи остида қолмаган. Лекин агар охириги 14 кун ичида умумий мажлис бўлган, ёки улар бошқа ўқитувчилар билан мулоқот қилган бўлса, уларнинг барчаси мулоқотда бўлган шахсларга киради;
- ◆ агар бу мактабда кичик синфлар алоҳида кириши бўлган ва алоҳида жойлашган бинода ўқитилса, улар хавфсиз шароитда бўлади ва ўқишни давом эттириши мумкин;
- ◆ лекин барча катта синфлар масофадан ўқитишга юборилади;
- ◆ беморлар билан яқин контактда бўлган барча ўқитувчилар 14 кунга ўз-ўзини изоляция қилиши учун юборилиши лозим, участка шифокорининг назорати остида термометрияни амалга ошириши, ҳамда ПЗР усули билан лаборатория тестини топшириши лозим.

БУ МУҲИМ! Агар мактабда умумий кириш ва чиқиш жойи, битта биноси бўлса, ва ўқитувчилар бир-бири билан контактда бўлган бўлса, бутун мактаб 14 кунлик муддатга карантинга ёпилади.



5-СЦЕНАРИЙ.

С шаҳрида ПЗР усули билан тест синовларини ўтказиш орқали барча умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ичида COVID-19 беморларини фаол аниқлаш ўтказилиши давомида, А, Б, В мактабларида тестнинг мусбат натижаси бўлган ўқитувчилар аниқланди.

1. Ушбу ҳолатларни тарқалганлигига кўра белгиланг.
2. Керакли профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказилиши учун чоралар ҳажмини белгиланг.


ТАСНИФИ ВА ҲАРАКАТЛАР

Оммавий тарқалиш — 2-даражаси (MP2).

- ◆ Охириги 14 кун ичида аниқланган, маҳаллий пайдо бўлган, кенг майдонда тарқалган ҳолатларнинг ўртача тарқалганлиги;
- ◆ Касалликнинг ўтиши маълум аҳоли гуруҳларида камроқ даражада тарқалган бўлиши мумкин.
- ◆ Умуман барча аҳоли учун юқиш хавфининг ўртача даражаси.

COVID-19нинг кейинги тарқалишининг олдини олиш учун қуйидагилар зарур бўлади:

- ◆ А, Б, В-сонли мактаблар 14 кун муддатга карантинга ёпилиши, болалар эса масофадан ўқитиш учун уйга юборилиши лозим.
- ◆ Бу ўқитувчилар контактда бўлган барча болалар, ўқитувчилар, 14 кунлик ўз-ўзини изоляция қилган ҳолда уйда бўлиши, участка шифокорининг назорати остида ҳар куни термометрия ўтказилиши лозим.
- ◆ Барча мулоқотда бўлган шахслар, шу жумладан улар яшайдиган оилалар аъзоларини COVID-19 бўйича лаборатория тестларидан ўтказиш лозим.



6-СЦЕНАРИЙ.

А шаҳрида ҳар куни кўп сонли COVID-19 ҳолатлари қайд этилади, бу ҳолатлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлмаган, улар ҳам ёш кишиларда ва болаларда, ҳам шаҳарнинг кекса аҳолисида аниқланади. Янги аниқланган ҳолатлар сони ўнлаб ортади, аввалги ҳафтадагига нисбатан юзлаб ортади, ва бу мойиллик бир неча ҳафтадан бери ошиб бормоқда.

1. Аҳолининг юқиши даражасини аниқланг.
2. Шаҳарда ўтказиш лозим бўлган чора-тадбирларни таърифланг.


ТАСНИФИ ВА ҲАРАКАТЛАР

Оммавий тарқалиши – 3-даражаси (MP3)

- ◆ Охириги 14 кун ичида аниқланган, маҳаллий пайдо бўлган, кенг майдонда тарқалган ҳолатларнинг юқори тарқалганлиги.
- ◆ Касаллик ўтиши ҳамма ерда тарқалган ва маълум аҳоли гуруҳлари билан чекланмайди.
- ◆ Умуман аҳоли учун юқори юқиш хавфи бор.

Шаҳарда ўтказиш лозим бўлган чора-тадбирлар:

- ◆ Барча умумий овқатланиш жамоат муассасаларини (кафе, ресторанлар) ёпиш;
- ◆ Барча мактабларни ва боғчаларни вазият барқарорлашгунча ёпиш;
- ◆ Мулоқотда бўлган шахсларни фаол аниқлаш, ПЗР усули билан лаборатория тестларини ўтказиш, ҳамда 14 кунлик кузатиш ва ўз-ўзини изоляция қилиш, поликлиника шифокорининг назорати остида ҳар куни термометрияни ўтказиш.



7-СЦЕНАРИЙ.

С шаҳрида ҳар куни бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ўнлаб COVID-19 ҳолатлари қайд этилади, улар ҳам ёш кишиларда ва болаларда, ҳам шаҳарнинг кекса аҳолисида аниқланади. Янги аниқланган ҳолатлар сони ўнлаб ортади, аввалги ҳафтадагига нисбатан 300 ҳолатга ортади, ва бу мойиллик бир неча ҳафтадан бери ошиб бормоқда. COVID-19 тарқалишининг олдини олиш учун ўтказиладиган чора-тадбирлар натижа бермаяпти.

1. Аҳолининг юқиши даражасини аниқланг.
2. Шаҳарда ўтказиш лозим бўлган чора-тадбирларни таърифланг.


ТАСНИФИ ВА ҲАРАКАТЛАР

Оммавий тарқалиши – 4-даражаси (MP4).

- ◆ Охириги 14 кун ичида аниқланган, маҳаллий пайдо бўлган, кенг майдонда тарқалган ҳолатларнинг ўртача тарқалганлиги.
- ◆ Касалликнинг ўтиши маълум аҳоли гуруҳларида жуда юқори тарқалганлиги. Умуман аҳоли учун жуда юқори юқиш хавфи бор.

Шаҳарда ўтказиш зарур бўлган чора-тадбирлар:

- ◆ Шаҳарни ёпиш ҳамда унга киришни ва ундан чиқишни тақиқлаш;
- ◆ Шошилиш заруриятсиз уйдан чиқишни тақиқлаган ҳолда қатъий карантин эълон қилиш;
- ◆ Аҳолини ҳаётий муҳим нарсалар билан таъминлайдиганларидан ташқари, шаҳардаги барча корхоналарни ёпиш;
- ◆ Барча кафе, ресторанлар, жамоат ошхоналарини ёпиш;
- ◆ Фақат озиқ-овқат маҳсулотлари дўконлари ишлаши мумкин;
- ◆ COVID-19 беморларини фаол аниқлаш, тегишли контингентга қўнғироқ қилиш, масофадан туриб патронажни таъминлаш;
- ◆ Мобил бригадалар ёрдамида COVID-19 бўйича тест учун намуналарни уйда йиғишни ташкил этиш;
- ◆ Аҳолига хавотирлиги юзасидан ўз вақтида маслаҳатлар бериш, ҳамда шошилиш ахборот олиш ва зарур бўлганда тибий ёрдам олиш мақсадида, Call-марказларни ташкил этиш;
- ◆ Вазият аста-секин барқарорлашганда чеклов чора-тадбирларни аста-секин юмшатиш.




ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. **А шаҳрида, Б туманида, мактаблардан бирида бир ҳафта давомида COVID-19 бўйича лаборатория тестининг мусбат натижаси бўлган учта бошланғич синф ўқитувчиси аниқланган. Беморлар орасида суруштирув суровларини утказганда, улар бибғбири билан доимо мулоқотда бўлишларини айтдилар. Ушбу ҳолатнинг таърифини беринг.**
 1. Бу кластер ҳолатлар.
 2. Бу КОВИД-19нинг яка аниқлаш ҳолатидир
 3. Бу касалликларнинг бибр-бири билан боғликлиги йўқ
 4. Бу пандемия..
2. **А туманида мактаблардан бирида бир ҳафта давомида COVID-19 бўйича лаборатория тестининг мусбат натижаси бўлган учта катта синфларда дарс ўтувчи ўқитувчилар аниқланган, охириги 2 ҳафтада баъзи катта синфларда машғулот давомати яхши эмаслиги қайд этилган. Ушбу ҳолатнинг таърифини беринг.**
 1. Бир муассасада бир нечта ҳолат аниқланганда, оммавий тарқалиш – 1-босқич дейилади.
 2. Бу оммавий тарқалиш – ўта хавфли ҳолат
 3. Бу якка ҳолатлар. Атрофдагилар учун хавфсиз ҳолатга киради
 4. Баъзи катта синфларда машғулот давомати яхши эмаслиги мактабда тарбия ишлари ёмонлигининг исботи, ва КОВИД-19га қарши чоралар утказиш керак эмас.
3. **С» шаҳрида ПЗР усули билан тест синовларини ўтказиш орқали барча умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ичида COVID-19 беморларини фаол аниқлаш ўтказилиши давомида, А, Б, В мактабларида тестнинг мусбат натижаси бўлган ўқитувчилар аниқланди. Ушбу ҳолатнинг таърифини беринг.**
 1. Оммавий тарқалиш – 2-даражаси (MP2). Охириги 14 кун ичида аниқланган, маҳаллий пайдо бўлган, кенг майдонда тарқалган ҳолатларнинг ўртача тарқалганлиги
 2. Оммавий тарқалиш – 4-даражаси (MP4). Шаҳар тезкор карантинга ёпилиши шарт
 3. Оммавий тарқалиш – 4-даражаси (MP4). Туман тезкор карантинга ёпилиши шарт
 4. Оммавий тарқалиш – 3-даражаси . Тезкор ҳамма мактаб ва бохчалар карантинга ёпилиши шарт.



4. «С» шаҳрида ҳар куни бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ўнлаб COVID-19 ҳолатлари қайд этилади, улар ҳам ёш кишиларда ва болаларда, ҳам шаҳарнинг кекса аҳолисида аниқланади. Янги аниқланган ҳолатлар сони ўнлаб ортади ва бу жараенни бошқариб бўлмайди. Аҳолини зарарланиш даражасини аниқланг.

1. Оммавий тарқалиши – 4-даражаси (MP4). Охириги 14 кун ичида аниқланган, маҳаллий пайдо бўлган, кенг майдонда тарқалган ҳолатларнинг ўртача тарқалганлиги;
2. Оммавий тарқалиши – 1-даражаси (MP1).
3. Оммавий тарқалиши – 2-даражаси (MP2). Касаалик тарқалиш даражаси жуда паст
4. Оммавий тарқалиши – 3-даражаси (MP3). Касаалик тарқалиш даражаси паст – бу кластер ҳолатлар.



8-модул.

COVID-19 ҲОЛАТИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК НАЗОРАТИ

ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Эпидемиологик жараённинг учта бўғимига мўлжалланган эпидемияга қарши чора-тадбирларни санаб ўтинг?


- ◆ Юқумли касаллик манбаини илк босқичда аниқлаш ва изоляция қилиш.
- ◆ Мулоқотда бўлган шахсларни кузатиш ва изоляция қилиш (уйда ўз-ўзини изоляция қилиш – термометрия ва ПЗР ташҳиси).
- ◆ Аҳолини ёлғизлатиш (ижтимоий масофа қоидаларига риоя қилиш, хоналарда ўта гавжум – зич одамлар тўпланишига йўл қўймаслик, ва бошқа чеклов чора-тадбирлари).
- ◆ ШХВни кийиш (респиратор ва гигиеник этикет тартиби).
- ◆ Дезинфекция (жорий, якуний, профилактик тартибда).

ДПМда стандарт эҳтиёт чораларини санаб ўтинг:

- ◆ Қўл гигиенаси ва респиратор гигиенаси;
- ◆ Хавфни баҳолашга мувофиқ ҳолда тегишли ШХВ ларни қўллаш;
- ◆ Инъекция қилишда хавфсизлик чоралари;
- ◆ Чиқиндиларни хавфсиз утиллаштириш;
- ◆ Тегишли кўрпа-тўшакдан фойдаланиш;
- ◆ Ҳавони тозалаш ва юзаларни зарарсизлантириш, беморларни парвариш қилиш учун ишлатиладиган буюмларни ва асбобларни стериллаш.

COVID-19 тарқалишининг профилактикаси учун ўтказиладиган чора-тадбирларни санаб ўтинг:

- ◆ Юқумли касаллик манбаи: илк аниқлаш, изоляция, шифохонага ётқизиш.
- ◆ Касаллик ўтиши йўллари: дезинфекция, стериллаш, респиратор гигиенаси, қўл гигиенаси, ШХВ.
- ◆ Касалликни қабул қилувчи организм: вакцина билан эмлаш.



COVID-19 ТАРҚАЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ




ШАХСИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ (ШХВ)

COVID-19нинг шифохона ичидаги юқиши ривожланишининг хавфига боғлиқ ҳолда ШХВларни санаб ўтинг:



Тахминий/тасдиқланган COVID-19 ҳолатини парвариш қилиш

аэрозоллар ҳосил қилмаган ҳолда муолажаларни бажариб	аэрозоллар ҳосил қилган ҳолда муолажаларни бажариб
<ul style="list-style-type: none"> ◆ Химоя кўзойнак ЁКИ юз учун қалқон; ◆ тиббий ниқоб, ◆ халат; ◆ қўлқоп. 	<ul style="list-style-type: none"> ◆ Химоя кўзойнак ЁКИ юз учун қалқон ◆ респиратор (N95 ёки FFP2); ◆ халат; ◆ қўлқоп.




ШҲВни КИЙИШ БОСҚИЧЛАРИ:

ШҲВни КИЙИШДАН АВВАЛ: Соат, узукларни ечиб олинг, телефонни чўнтақдан олиб қўйинг




- ◆ Аввал махсус иш кийимни (пижамани), тиббий қалпоқча ва пойафзални кийинг.
- ◆ Қўлга дезинфекциялаш эритмаси билан ишлов беринг ва биринчи қўлқоп жуфтани кийинг.
- ◆ Комбинезонни кийинг, уни аввал оёққа киясиз, кейин енглариани навбатма-навбат киясиз.
- ◆ Комбинезон ёпқичларини тақиб олинг.
- ◆ Респираторни тақинг, бунинг учун уни ташқи томонидан ушлаб туринг, пастки резина боғичини тортиб, уни бош орқасидан пастроқ ўтказиб олинг, иккинчи резина боғичини тортиб, уни бошингиз орқасида маҳкамланг.
- ◆ Респиратор устидан кўзойнак тақинг, респиратор ва кўзойнакнинг зич ёпишишини текширинг.
- ◆ Комбинезон капюшонини кийиб олинг. Қўлга дезинфекциялаш эритмаси билан ишлов бериб, зарур бўлганда фартук (пешбанд) тақинг.
- ◆ Енг устидан иккинчи қўлқоп жуфтани тақинг. Яна ШҲВнинг зич ёпишишини ва тирқишлар йўқлигини текширинг.






ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИНИ ЕЧИШ БОСҚИЧЛАРИ:


Ҳар бир
босқичдан аввал,
қўлқоп ечмай, қўл-
ларни дезинфекция
эритмаси билан
ишлов бериш




1. Устки қўлқоплар



2. Бахилалар



3. Комбинезон
капюшони
ва ёпқичи



4. Комбинезон – ички
томонини ташқарига
қилиб тахлаш



5. Кўзойнак -
дезинфекция
эритмасига солиш



6. Ниқоб




7. Тиббиёт қалпоқча



8. Ички қўлқоп

9. Қўлларни дезинфекция эритмаси билан ишлов бериш



Ҳар бир тиббий ходимда 1 сменада неча ШХВ тўпламлари бўлиши керак?

Ҳар бир тиббий ходимда 1 сменада 2 тўплам махсус кийим/ШХВ бўлиши керак.

ДПМда тиббий ходимлар махсус кийимни / ШХВни қанчалик тез-тез алмаштириши керак:

Камида сменада 1 марта ва ифлосланиши сари (беморнинг қони, ахлати, ажрал-малари билан ифлосланганда, бутун бўлмайд қолганда алмаштириш керак).

РЕСПИРАТОРНИНГ ГЕРМЕТИК ЁПИШИШНИ ТЕКШИРИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

Нима учун респираторни ўз вақтида текшириш муҳим бўлади?


- ◆ Респиратор – нафас олиш аъзоларини атроф муҳитда буғлар, газлар, аэрозоллар, чанг ва шу каби ҳолатида бўлган турли хил эҳарарли моддалардан шахсий ҳимоя қилиш воситаси.
- ◆ Респиратор юқумли касалликлар ўчоғида бўлиб қолган аҳолини қутқаришда муҳим ўрин тутади.



Респираторнинг мустаҳкамлигини ва герметиклигини аниқлаш техникаси

- ◆ Фойдаланишдан аввал респираторнинг герметиклигини текшириш керак. Бунинг учун бир неча марта куч билан нафас олиш ва нафас чиқариш керак. Бунда респиратор нафас олишда сал пасайиши ва нафас чиқаришда сал кенгайиши керак. Сиз ҳаво чиқиб кетишини сезмаслигингиз керак.
- ◆ Ҳавонинг чиқиб кетиши бўлмаслиги, респиратор юзингизга зич ёпишиб туришини, ниқобнинг ҳолати эса ҳаво ўтказмаслигини билдиради.
- ◆ Агар респиратор юзингизга қараб пасаймаса, ва кенгаймаса, ёки юзингиз ва респиратор орасида ҳавонинг чиқиб кетиши юзага келса, бундай ҳолат респираторнинг герметик эмаслигини билдиради.






Респираторнинг герметиклигини яхшилаш учун қуйидагилар тавсия этилади:

- ◆ Респиратор тўғри кийилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун ойнадан фойдаланинг;
- ◆ Респиратор сочга ёпишмаслигига ишонч ҳосил қилинг;
- ◆ Респиратор камарлари тўғри жойлашганлигига ишонч ҳосил қилинг. Юқори камари бош тепасининг учида бўлиши айниқса муҳим бўлади, чунки у респираторни иякка босиб туриши зарур бўлади.

Қизил зонага кириш учун ШХВ лар қаерда кийилади?

Тиббий ходим ШХВни яшил зонада, масъул шахснинг кузатуви остида кияди.

ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАСИ – ЗОНАЛАШТИРИШ




COVID-19 беморлари учун ихтисослашган тиббий муассасаларда қанча зоналар мавжуд?

ДПМларида COVID-19ни даволашда хоналар 3 зонага ажратилган: қизил, сариқ, яшил (СанМваҚ № 0010-21 асосида)

Беморлар ДПМга кириши учун бир томонлама шлюз.

- ◆ **Қизил зона** – COVID-19 беморлари учун бўлим.
- ◆ **Сариқ зона** – Қизил ва яшил зона орасидаги буфер зона. Сариқ зонада ечиниш, шахсий ҳимоя воситаларини йиғиш, утиллаштириш ва дезинфекция қилиш учун зона ташкил этилиши лозим. Тиббий ходим қизил зонага кирганда ва/ёки чиққанда, ШХВ ни босқичма-босқич тўғри кийиш ва ечиш,




утиллаштириш, қўлга ишлов беришни назорат қилиш учун масъул мутахассис ажратилиши лозим;

- ◆ **Яшил зона** – COVID-19га гумонланган беморларни қабул қилиш, ҳамда беморларнинг шу зона орқали ҳаракатланиши қатъий тақиқланади. Бу зонада қуйидагилар ташкил этилиши керак: шифокор хонаси, овқат ейиш хонаси, сан.тармоқ хонаси, душ ва ҳоказолар.

Тиббий ходимлар қизил, сариқ ва яшил зоналардан чиқиши пайтида риоя қилиши лозим бўлган қоидалар:

ҚИЗИЛ ЗОНА	
<p>COVID-19 беморлари учун бўлим.</p>	<p>Беморни текшириш, даволаш, беморнинг ҳаётий фаолиятини сақлаб қолиш учун керакли муолажаларни амалга оширилади.</p> <p>Овқатланиш фақат беморларга рухсат этилади. Тиббиёт ходимлари фақат ШХВларда ишлайди.</p> <p>Шифокорни инфекциядан ҳимоя қилиш учун комбензон бутунлай герметик бўлиши керак, яъни у жуда иссиқ бўлса ҳам ишлайди.</p> <p>Шундай қилиб, агар шифокор, масалан, диоптер кўзойнагига эга бўлса ва ҳимоя кўзойнаклари парланса, уларни "ифлос зонада" тозалаш мумкин эмас.</p> <p>Санитария текширув хонасига қайтиш, ҳимоя костюмини махсус қоидаларга мувофиқ ечиш ва шундан сўнг кўзойнакни тозалаш керак. Яна тоза костюмни кийиш / ШХВ ва қизил зонага қайтиш.</p>
САРИҚ ЗОНА	
<p>Қизил ва яшил зоналар орасидаги буфер зона. Сариқ зонада шахсий ҳимоя воситаларини ечиб олиш, йиғиш, йўқотиш ва дезинфекция учун зона ташкил қилиш керак.</p>	<p>Тиббий ходимнинг қизил зонага киришида ва / ёки чиқишида ШХВ, утилизация қилинишининг босқичма-босқич амалга оширишини назорат қилиш ва тўғри кийинишини ва ечинишини кузатиш учун масъул мутахассис ажратилиши керак;</p> <p>Хона шлюз принципига мувофиқ ташкил этилади: агар бу зонага кириш эшиги очиқ бўлса, иккинчи эшик - тоза зонага чиқиш - очилмайди.</p> <p>Бу эса хоналар ўртасидаги ҳаво ҳаракатини ва шифохонада коронавирус инфекциясининг тарқалишини бартараф этади.</p> <p>Худди шу мақсадда санитария текширув пунктида вентиляция ўчирилади ва иш учун кераксиз бўлган барча хоналар ёпилади ва муҳрланади.</p>



ЯШИЛ ЗОНА

COVID-19 гумон қилинган беморларни қабул қилиш, шунингдек, ушбу зона орқали беморларнинг ҳаракати қатъиян тақиқланади.

Бу зонада ташкил этилиши керак: шифокор хонаси, қабул хона, ҳаммом, душ, ва бошқалар;

Мутахассис "тоза" яшил зонага ўтганда, у ерда ҳужжатлар билан ишлаш эҳтимоли юқори. Мисол учун, опиоид аналгетиклар ажратиш, касаллик тарихини тўлдириш. Касбий масалаларни муҳокама қилиш, ҳужжатлар билан ишлаш, дам олиш, овқатланиш, фақат "тоза" хоналарда рухсат этилади.

Бемор ва ходимларни тоза зонадаги биноларга ифлосланган ШХВларида киритиши тақиқланади.

Беморлар, ҳамда тиббий ходимлар тоза зонанинг хоналарида аввал уларни кийиб ишлаган ШХВ ларда кириши ва шу ерда бўлиши ТАҚИҚЛАНАДИ


«Сариқ» буфер зонасида: Хавфсиз утиллаштириш талабларига риоя қилган ҳолда, комбинезонни, бахилаларни, қўлқопларни, респираторни ечиб олади. Юз қалқони ва кўзойнак – зарарсизлантиришга топширилади.

Сариқ зонада: душ қабул қилади, пижамани бошқа кийимга алмаштиради ва яшил зонага овқат ейиш учун, ҳожатхонага, ёки смена охирида ДПМ дан чиқиб уйига кетиш учун ўтади.

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИДАГИ ДПМнинг ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:

ДПМда қуйидагилар таъминланиши лозим:


- ◆ Марказлаштирилган сув таъминоти, оқава сув тармоғи, узлуксиз электр таъминоти.
- ◆ Кириш эшиги олдида дезинфекция эритмасига намланган гиламча ташкил этилиши керак.
- ◆ Киришда ва чиқишда тана ҳароратини масофадан ўлчаш учун пирометр асбоби бўлган санитария ўтказгичи ташкил этилиши керак.
- ◆ Ниқобларни тақиш устидан назорат қилиш.
- ◆ Беморлардан масофани сақлашни ташкил қилиш учун махсус белгилар.
- ◆ Даволаш учун дори препаратларини сақлаш учун махсус совутгич.



- ◆ Яшил зонада тиббий ходимлар овқатланиши учун махсус хона бўлиши лозим.
- ◆ Тиббий ходимлар бемор билан ишлайдиган ҳар бир хонада қўлга ишлов бериш учун дезинфекциялаш воситаси бўлган дозатор бўлиши керак.
- ◆ Ҳар бир тиббий ходим учун ШХВ (ниқоб, халат, қўлқоп, қалпоқча).
- ◆ COVID-19 га гумон қилинган бемор жойлаштириладиган махсус изолятор хонаси.
- ◆ COVID-19 беморлари учун бепул бериладиган махсус дори воситалари тўплами.
- ◆ Номақбул эпидемиологик вазият даврида шифокорларнинг куну-тун на-вбатчиликда бўлиши.


Тиббий асбобларни стериллаш:

- ◆ Барча ишлатилган тиббий асбоблар хлор таркибли 3% эритмада 15 минут давомида, ёки бошқа дезинфекциялаш воситаси билан дезинфекция қилинади, оқар сув остида ювилади ва ушбу даволаш муассасасининг марказлашган стериллаш пунктига топширилади.
- ◆ Бир маротабалик шпателлар фойдаланишдан кейин қўлланадиган санитария меъёрларига ва қоидаларига мувофиқ утиллаштирилади.
- ◆ Кўп марта ишлатиладиган шпателлар хлор таркибли 3% эритмада 15 минут давомида, ёки бошқа дезинфекциялаш воситаси билан дезинфекция қилинади, оқар сув остида чайилади ва ушбу даволаш муассасасининг марказлашган стериллаш пунктига топширилади. .




ҚЎЛ ГИГИЕНАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Қачон қўлга ишлов бериш керак?



Қўлга ишлов бериш турига қараб, қўл гигиенасини қанчалик узоқ амалга ошириш керак бўлади?


Респиратор ва никобни кийиш ва ечиш олдидан кулларга гигиеник ишлов бериш зарур



совун билан қўл ювиш
40-60 секунд







антисептиктдан фойдаланиш
20-30 секунд




Нима учун қўлни совунлаб ювиш тавсия этилади?

СОВУННИНГ КУЧИ

Ўзини COVID-19дан ва бошқа вируслардан ҳимоя қилишнинг энг самарали усулларида бири – тез-тез қўл ювиш. Совун нафақат қўллارни тоза сақлашга, балки вирусларни ҳам йўқ қилиши мумкин. Бу мана шундай юз беради:

<p>СОВУН МОЛЕКУЛАЛАРИ</p> <p>Совун молекулалари икки-та таркибий қисмига эга: асоси сув билан боғланади, дум қисми эса – мойлар ва ёғлар билан боғланган бўлади</p> 	<p>ВИРУС</p> <p>Коронавирус генларининг тўплами (геном) мойли қатлами (мембрана) билан ҳимояланган, протеинли тиканлари эса унга ҳужайра ичига киришига ёрдам беради</p> 
<p>СОВУННИНГ ТЕГИШИ</p> <p>Совун молекулаларининг дум қисмлари (мойлар ва ёғлар билан боғланади) вируснинг мойли мембранасига ёпишади</p> 	<p>ҚАТЛАМ ШИКАСТЛАНАДИ</p> <p>Совун молекулалари шу тарзда вируснинг устки қисмида боғланишларни шикастлаш, ва вирусни фрагментларга ажратиш имконига эга бўлади</p> 
<p>ФРАГМЕНТЛАР ЮВИЛИШИ</p> <p>Вирус фрагментлари совун молекуласига ёпишиб, сув билан ювилади.</p> 	<p>ВАҚТ</p> <p>Вирусни йўқ қилиш учун, қўлни илиқ сувда совунлаб камида 20 сония ювиш керак</p> 



Спирт таркибли дезинфекциялаш воситаси билан қўлга гигиеник ишлов бериш техникаси:


20-30 секунд



Маҳсулотни қошиқдек ушлаб турган кафтингиз ичига бутун юзасини қоплайдиган қилиб қуйинг



Бир кафтингизни иккинчисига ишқаланг



Бармоқларни бир-бирининг ичига кирадиган қилиб, ўнг кафтингиз билан чап кафтингиз орқасини ишқалаб, суртинг, кейин кафтларни алмаштинг



Бармоқларни бир-бирининг орасида тикиб, кафт билан кафтингизни ишқаланг.




Эгилган бармоқларнинг орқа томони билан бирлаштириб, бармоқларингизни қулф шаклида бирлаштинг




Чап қўл бош бармоғини ўнг кафтингиз билан ушлаб, уни айлана ҳаракати билан ишқаланг



Чап кафтингизни ўнг қўлнинг чимдимланган бармоқлари билан алҳйланма ҳаркатлар билан олдинга-орқага суртиб ишқаланг



Қўлларингиз қуриганидан кейин улар хавфсиз бўлади



**Гигиеник ишлов бериш техникаси –
жўмракнинг оқар сувида қўлни совун билан ювиш:**

50-60 секунд



0 Қўлингизни сув билан намланг



1 Бутун қўлингиз юзасини қоплаш учун етарли совунни олинг




2 Бир кафтингизни иккинчи кафтингиз билан ишқаланг



3 Бармоқларни бир-бирининг ичига кирадиган қилиб, ўнг кафтингиз билан чап кафтингиз орқасини ишқалаб, суртинг, кейин кафтларни алмаштиринг.



4 Бармоқларни бир-бирининг орасида тиқиб, кафт билан кафтингизни ишқаланг.



5 Эгилган бармоқларнинг орқа томони билан бирлаштириб, бармоқларингизни қулф шаклида бирлаштиринг.



6 Чап қўл бош бармоғини ўнг кафтингиз билан ушлаб, уни айлана ҳаракати билан ишқаланг.



7 Чап кафтингизни ўнг қўлнинг чимдимланган бармоқлари билан айланма ҳаркатлар билан олдинга-орқага суртиб ишқаланг, кейин қўлларни алмаштиринг.




8 Қўлларингизни сув билан чайинг.




9 Қўлингизни бир мартабалик сочиқ билан яхшилаб қуритинг



10 Жўмракни ёпишда сочиқдан фойдаланинг.




11 Энди қўлларингиз хавфсиз бўлади




ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- COVID-19 нинг лаборатория тасдиқлови ва аломатлари бўлган бемор корона-вирус юқумли касаллиги беморларини даволаш учун мўлжалланган ДПМ га етказилган. Уни даволовчи шифокорнинг хонасига олиб киришди, шифокор қизил хонадан яшил хонага овқатланиш учун чиқиб кетган эди. Шифокор беморни дам олиш хонасида кўриб чиқиб, уни даволаш учун палатага олиб борадиган ҳамширани чақирди. Бу ҳолатда қандай хатоларга йўл қўйилган?**
 - Беморни ДПМ га шлюз орқали бевосита қизил зонага олиб кириш лозим.
 - Шифокор беморни яшил зонада, дам олиш хонасида қабул қилиши ёки кўриб чиқиши мумкин эмас.
 - Ҳамшира хато қилмади.
 - Шифокор зарур бўлганда беморни дам олиш хонасида қабул қилиши мумкин.
- Ҳамшира беморнинг палатасида муолажаларни қилишдан аввал қўлига спирт таркибли эритма билан ишлов бериб, бир беморга инъекция қилди, кейин беморни ёнида ўтиб, дарҳол унга томир ичига инъекция қила бошлади. Бемор ундан нима учун яна бир марта қўлига ишлов бермаганини сўради, бунга жавобан у биринчи беморни кўриб чиқиш ва унга муолажа қилишдан аввал қўлига ишлов берганлигини ва қўлқоп қийганлигини айтди. Ҳамширанинг хатолари қандай бўлган?**
 - Ҳамшира муолажадан аввал қўлга ишлов бериши ва қўлқоп кийиши керак.
 - Ҳар бир беморга муолажа ўтказишдан кейин у спирт таркибли эритма билан қўлга ишлов бериши, ва бир марталик қўлқопда ишлаши керак.
 - Ҳамшира спирт таркибли воситалар етмаганда бир палатада ётган беморларга қўлга ишлов бермаган ҳолда муолажаларни бажариши мумкин.
 - Агар ҳамшира қўлқопда ишлаётган бўлса, бундай қилиши мумкин.
- Шифокор ДПМнинг қизил зонасидан чиқишга шошилаётган эди, шунинг учун ШХВни ўзининг хонасида ечиб, ҳамширага утиллаштириш учун топширди. Лекин у респираторни ва ҳимоя кўзойнагини ўз столида қолдирди, улар кўп маротабалик бўлиб, эртасига ҳам керак бўлишини айтди. Шифокор қандай хато қилди?**
 - Ҳамширанинг мажбуриятларига ШХВни утиллаштириш қатъий тарзда кирмайди, ҳар бир тиббий ходим ўзи ШХВни утиллаштириши, ҳамда ҳимоя кўзойнагини ва юзнинг ҳимоя қалқонини зарарсизлантириши керак.
 - ШХВни яшил зонада ечиш қатъий тақиқланган.
 - Ҳимоя кўзойнагини аввалдан зарарсизлантирмай туриб, такрорий тақиш мумкин эмас.
 - Шифокор қизил зонада ШХВни ечиши керак эди.



4. Ҳамшира ўз сменасининг бошида COVID-19 беморини парвариш қилаётганда, интенсив даволаш палатасида муолажалар ўтказаяётганда, ШХВ ни қон томчилари билан ифлослантирган. У ШХВ ни алмаштирмақчи эди, лекин катта ҳамшира унга янги тўпламни бермади, ва униг тўплами 1 смена давомида ишлатилиши кераклигини, яъни ҳали 5 соат борлигини айтди. Катта ҳамшира тўғри иш тутганми?
1. Қатъий равишда - йўқ.
 2. Тиббий ходим ҳар сменада ва ифлосланган пайтида (биологик суюқликлар билан ифлосланганда, ҳамда бутун бўлмайд қолганда) ШХВ ни алмаштириши керак.
 3. Пандемия даврида, ШХВ етишмаганда шундай қилиш мумкин
 4. Агар ифлосланиш кам бўлганда, шундай қилиш мумкин.



Фойдаланилган адабиёт рўйхати

1. СанПин № 0010-21 “COVID-19 инфекциясини даволашга мослаштирилган тиббиёт ташкилотлари ичида инфекцияларни олдини олиш бўйича санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари”.
2. ЎзР ССВнинг 41-сонли буйруғи: Ўзбекистон Республикасига COVID-19нинг чет эдан олиб кирилишига тарқалишига йўл қўймаслик чораларини такомиллаштириш тўғрисида.
3. ЎзР ССВнинг 57-сонли буйруғи. Гумонли ва мулоқотда бўлган шахсларнинг юқумли касалликлар стационарларида ва бошқа тиббий муассасаларда диспансеризацияси чоралари тўғрисида.
4. ЎзР ССВнинг 72-сонли буйруғи. COVID-19 тарқалишининг олдини олиш учун уй шароитида тиббий кузатишни амалга ошириш тўғрисида (КПП учун).
5. 012 - 3/0193-сонли «I–II хавфлилик гуруҳига оид патоген буюмологик агентлари билан ишлашда биохавфсизлик бўйича қоидалар», ЎзР ССВ.
6. COVID-19 коронавирус юқумли касаллиги юққан беморларни даволаш бўйича вақтинча тавсиялар (8-версия), ЎзР ССВ, Тошкент-2021.
7. <http://apps.who.int/iris/10665/112656>
8. <http://www.who.int/csr/resources/publications/putontakeoffPPE/en>
9. [https://www.who.int/publications-detail/advice-on-the-use-of-masks-in-the-community-during-home-care-and-in-healthcare-settings-in-the-context-of-the-novel-coronavirus-\(2019-ncov\)-outbreak](https://www.who.int/publications-detail/advice-on-the-use-of-masks-in-the-community-during-home-care-and-in-healthcare-settings-in-the-context-of-the-novel-coronavirus-(2019-ncov)-outbreak)
10. WHO/2019-nCov/IPC PPE_use/2020.1

